Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 20 июль 1968 йил, шанба ◆ № 168 (14.030). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ўртоқ Х. Узоқов бошлиқ бригадаси 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта етиштиришга сўз берган. Ҳозир ҳар туп ғўзада 2-3 тадан кўсак бор. Фотомухбиримиз А. Тўраев олган бу суратда сиз колхоз партия ташкилотининг секретари А. Шукуров (чапда) билан бригадир Х. Узоқовни кўриб турибсиз. Пастдаги суратда эса Пайариқ районидаги «Даҳбед» совхозининг моҳир сувчиси Тўла Нодиров. У ўз меҳнатидан жуда мамнун кўринади. Суратни ЎзТАГ фотомухбири А. Кузьменко олган.



СОЦИАЛИЗМ ВА ТИНЧЛИК ПОЗИЦИЯЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

ПРАВДА

17 июлда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум «Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг Варшавадаги учрашуви якунлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладини тинглаб, муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг халқаро сиёсат соҳасидаги, социализм позицияларини мустаҳкамлаш, жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг жипслигини кучайтириш йўлини олиб бориш соҳасидаги, социалистик ва носоциалистик мамлакатлардаги коммунистик ҳамда ишчи партиялари билан муносабатлар соҳасидаги фаолиятини бутунича ва тўла маъқуллади.

Маълумки, 14—15 июлда Варшавада Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Совет Иттифоқи коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари ўзларини биргаликда қизиқтираётган масалаларни муҳокама қилдилар. Учрашувда халқаро аҳволнинг, Европада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг энг актуал проблемалари устида, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг проблемалари устида фикрлашиб олинди. Учрашув қатнашчилари ўз мамлакатларидаги аҳвол тўғрисида ҳамда Чехословакиядаги воқеаларнинг ривожланиши тўғрисида бир-бирларига пролетар интернационализми руҳида ахборот беришди ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети номига мактуб йўлладилар. Бу мактуб кеча «Правда»да эълон қилинди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг Варшавадаги учрашуви якунларини ва қардош партияларнинг учрашувда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига қабул қилган мактубига юксак баҳо берди ва уни якдиллик билан маъқуллади. Пленум шу учрашувдаги КПСС делегациясининг фаолиятини ва учрашув қатнашчилари чиқарган хулосаларни тўла равишда маъқуллаб, социализм мамлакатлари ўртасидаги қардошлик муносабатларини янада ҳар томонлама ривожлантиришга, социалистик системани, унинг жипслигини пролетар интернационализми принциплари асосида мустаҳкамлашга маҳкам бел боғлаганликларини билдирди. Чехословакияда социализм иши учун қатъий кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги хулосаларни тўла равишда маъқуллади.

Варшавадаги учрашув қардош партиялар ва давлатларнинг жаҳон социалистик системасининг туб манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида биргаликда сарфлаётган куч ва ғайратини давом эттирди ва ривожлантирди. Варшавадаги учрашувда қабул қилинган қарорлар социализм позицияларини ва социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга, социализм ва коммунизм қуриш, ҳамма халқларга тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун тинч шароит яратиб беришга қаратилган интилишларнинг ифодаси бўлди.

Варшавадаги учрашув тўғрисида эълон қилинган ахборотда «Вьетнамда ва Яқин Шарқда империалистик агрессия давом этаётган бир вақтда социалистик мамлакатларни ва барча антиимпериалистик кучларни жипслаштириш зарурлиги қатъият билан таъкидлаб ўтилди. Қардош мамлакатлар партия ва ҳукуматларининг вакиллари қўпорувчилик йўли билан айрим мамлакатларда социалистик тузумга путур етказишга, шунингдек социалистик давлатларни бирлаштириб турган ғоявий ва иттифоқчилик алоқаларини бўшаштиришга уринаётган агрессив империалистик кучларнинг активлашаётганлигига алоҳида эътибор бердилар».

Империализм социализм мамлакатларига қарши қўпорувчиликни кучайтирмоқда, бу мамлакатларнинг бирлигини, халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслигини заифлаштиришга, ҳозирги замоннинг илғор кучларини бир-бирндан ажратиб юборишга интилмоқда. Империалистик реакция социалистик жамиятни ичидан қўпориб ташлашга уринмоқда. КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг хулосаси тўла равишда исбот бўлмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг апрель Пленуми хулосасида айтилган эдики, «империализм ва аввало, АҚШ империализми жиддий ларзаларга учраб ҳамда ички ва ташқи сиёсатдаги катта муваффақиятсизликларга дуч келиб, ҳарбий-сиёсий соҳадаги авантюралар билан бир қаторда ўзининг куч ва ғайратини социалистик мамлакатларга қарши, коммунистик ва бутун демократик ҳаракатга қарши қўпорувчиликдан иборат сиёсий ва идеологик курашга тобора кўпроқ сарфламоқда».

Ҳозирги вақтда социалистик Чехословакия ички ва ташқи империалистик кучлар томонидан қутуриб қилинаётган ҳужумлар остида қолди.

Чехословакия Социалистик Республикасида кейинги ойларда вужудга келган вазият қардош Чехословакия халқига дўстлик, социалистик система манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик ҳислари билан тўлиб-тошган коммунистик ва ишчи партияларни ҳамда халқларни чуқур ташвишга ва қонуний ҳаяжонга солмоқда.

Маълумки, Чехословакия социалистик республикаси партия ва давлат органларининг фаолиятидаги камчиликлар ва хатолар Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг январь ва ундан кейинги пленумларида танқид қилинган эди. Табиийдирки, Чехословакияда содир бўлган хатолар ва камчиликларнинг тузатилишини, партия ва давлат фаолиятини яхшилашга, экономика структурасини такомиллаштиришга, социалистик демократияни, чехлар билан словаклар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантиришга қаратилган чоралар кўрилишини партиялар ва социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳурматлаш, бирдамлик ва тенглик принципларига мувофиқ қардош партиялар Чехословакия қардош партиясининг ва халқининг ички иши, деб ҳисоблайдилар.

Афсуски, Чехословакиядаги воқеаларнинг ривожланиши йўл қўйилган хатолар ва камчиликларни тузатишдан иборат, қонуний интилишдан ўнг, антисоциалистик унсурлар Чехословакия Коммунистик партиясининг фаолиятини обрўсизлантирмоқ учун фойдаланиб, социалистик давлат негизларини қўпоришга, Чехословакия Социалистик Республикасидаги социалистик тузумни тугатишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатди. Реакциянинг бу ҳужумини империализм актив равишда қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатда Чехословакия Коммунистик партиясига қарама-қарши ҳаракат қилаетган, тор-мор келтирилган эксплуататор синфларнинг қолдиқларидан, ўнг— миллатчи ва ревизионист унсурлардан, социализмга қарши курашаётган легал ва нолегал гуруҳлардан иборат бўлган сиёсий оппозиция пайдо бўлди ва кенгайиб бормоқда. Бу душман кучлар марксизм-ленинизмни рад қилмоқдалар, Чехословакияни социалистик ҳамдўстликдан ажратиб олишни, уни капитализмга қайтаришни талаб қилмоқдалар.

Антисоциалистик ва ревизионистик кучлар матбуот, радио ва телевидениени ўз қўлларига ўтказиб олиб, бу воситаларни Коммунистик партияга ҳужум қилиш учун, ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни йўлдан оздириш учун, антисоциалистик демогогияни авж олдириш учун, Чехословакия Социалистик Республикасининг Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстона муносабатларини қўпориш учун ишлатилаётган минбарга айлантириб юбордилар. Антисоциалистик унсурлар ахборот воситаларидан душманлик пропагандасини олиб бориш учун, «Икки минг» сўз деб аталган баёнотни, — контрреволюцион платформани тарқатиш учун фойдаланмоқдалар.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг май пленуми душман унсурлар активлашганлигини эътироф қилди ва ўнг хавфни Чехословакия социалистик Республикасида социализмга бўлган асосий таҳдид, деб таърифлади. Ишчиларнинг коллективлари партия ташкилотлари халқ милициясининг умумдавлат активи, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кўпгина аъзолари ўнг, антисоциалистик кучларни жиловлаб қўйишни, социализм позицияларини мустаҳкамлайдиган конкрет ва самарали чоралар кўришни талаб қилмоқдалар. Бироқ фактлар шуни кўрсатиб турибдики, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг май пленуми ўнг, антисоциалистик кучларга қарши эълон қилган ҳужум идеологик жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам таъминланмади. Бу ҳужум амалга ошмай қолди, социализм душманлари эса бундан фойдаланиб, тегишли зарбага учрамай, ўзларининг қўпорувчилик фаолиятларини тобора қабиҳлик билан авж олдирмоқдалар.

Реакция кучлари Чехословакия халқининг онгини хиралаштириш, уни йўлдан оздириш ҳамда Чехословакия фақат социалистик мамлакат бўлганидагина, социалистик ҳамдўстликнинг аъзоси бўлганидагина ўзининг мустақиллигини ва суверенитетини сақлаб қолиши мумкин деган қатъий ишончга путур етказиш истагида эканликлари кўриниб турибди. Чехословакия социалистик мамлакат бўлиб қоладими ёки йўқми, деган туб масала қўндаланг қилиб қўйилганлиги очиқ ва равшан бўлиб қолмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, Чехословакия Социалистик Республикасидаги социализм кучлари ҳозирги кунда чехословак халқининг революцион ғалабаларига ҳамла қилаётганлардан объектив равишда бекиёс устундирлар. Ўнг унсурлар ҳар қанча шовқин-сурон кўтараётганликларига ва ҳужумлар қилаётганликларига қарамай, уларнинг меҳнаткашлар кенг оммаси орасида суянчиқлари йўқ. Ленин бу унсурларни мағлубиятга учратмоқ учун кескин, муросасиз, изчил кураш олиб бориш зарур.

Тарихий тажриба шуни кўрсатиб турибдики, антисоциалистик кучлар халқ ҳокимиятининг ҳаётига, социалистик тузум негизларига таҳдид солаётган бир пайтда бу кучларнинг авж олишига қарши курашни кучайтиришга партия ва халқни сафарбар қилишга журъатсизлик ва пассивлик қилиш, сусткашлик қилиш мамлакатни анархияга, сиёсий ҳалокатга олиб боради.

Аҳвол шундай бўлиб қолдики, Чехословакиядаги социализм негизларига қилинаётган таҳдид социалистик мамлакатларнинг муштарак ҳаётий манфаатларини хавф остида қолдирмоқда. Қўлга киритилган революцион ғалабаларни бой бериб қўймаслик учун тарихий жавобгарлик социалистик мамлакатлардаги барча коммунистларнинг зиммасидадир. Қардош партияларнинг ҳар бири фақат ўзининг ишчилар синфи ва ўз халқи олдида жавобгар бўлиб қолмасдан, шу билан бирга халқаро ишчилар синфи, жаҳон коммунистик ҳаракати олдида ҳам жавобгардир ва бундан келиб чиқадиган мажбуриятлардан бўйин товлаши мумкин эмас. Шу сабабли, биз социализм ғалабаларини, хавфсизлигимизни ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг халқаро позицияларини ҳимоя қилишда бирдам бўлишимиз ва бир ёқадан бош чиқаришимиз лозим.

Варшавадаги учрашув қатнашчилари ўзларининг интернационал бурчларига асосланиб, ўз коммунистик ва ишчи партияларининг Марказий Комитетлари номидан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига мурожаат қилиб, уни Чехословакиядаги ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар ҳокимиятини, социалистик ғалабаларни ҳимоя қилишга чақирдилар, бу эса ўнг ва антисоциалистик кучларга қарши қатъий ва дадил ҳужум қилишни, социалистик давлат вужудга келтирган барча ҳимоя воситаларини сафарбар қилишни; социализмга қарши чиқаётган барча сиёсий ташкилотларнинг фаолиятини тўхтатишни, оммавий ахборот воситаларини, матбуот, радио, телевидениени партия ўз қўлига олиб, шу воситалардан ишчилар синфининг барча меҳнаткашларнинг, социализмнинг манфаатлари йўлида фойдаланишни, партиянинг ўз сафларини марксизм-ленинизм принциплари асосида жипслаштиришни, демократик централизм принципига оғишмай амал қилишни, ўз фаолияти билан душман кучларига кўмаклашаётганларга қарши курашни, ишчилар синфини, меҳнаткаш деҳқонларини, илғор интеллигенцияни контрреволюцияга қарши, Чехословакияда социализмни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга сафарбар қилишни талаб этади.

КПСС Марказий комитетининг пленуми ишонч билдириб айтдики, қардош партияларнинг Варшавада қабул қилган мактубини Чехословакия Коммунистик партияси ва Чехословакия халқи мазкур социалистик мамлакатлар партиялари ва халқларининг самимий, дўстона, интернационал ёрдамининг ифодаси, деб тушунади ва уни қўллаб-қувватлайди ҳамда ушбу мактуб Чехословакия билан Совет Иттифоқи, барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида дўстликни кучайтиришга ёрдам беради.

Чехословакия коммунистлари, барча меҳнаткашлари шу нарсага амин бўлишлари мумкинки, КПСС, Совет ҳукумати бизнинг халқимиз уларга социалистик ғалабаларни ҳимоя қилишда барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёрдир.

Партиямиз ва халқимиз Варшава учрашуви якунларини, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини якдиллик билан маъқуллайдилар, социалистик мамлакатларнинг қардош халқлар ва партияларини бир-бирига боғлаб турган алоқаларни мустаҳкамламоқ учун, социализм ва тинчлик позицияларини мустаҳкамламоқ учун КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кўраётган чораларни қўллаб-қувватлайдилар.

Жонажон Ленин партияси теварагида маҳкам жипслашган совет халқи КПСС XXIII съезди белгилаб берган йўлни муваффақиятли равишда амалга оширмоқда, коммунистик жамият қуриш вазифаларини бажармоқда, ҳаётимизнинг ҳар куни ўз ижодкор меҳнати билан ер юзида тинчлик ва социализм таянчи бўлган Ватанимизнинг сиёсий, иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаётган миллион-миллион совет кишиларининг бунёдкорлик ишлари билан ўтмоқда. Мақсадларимизнинг ҳаққонийлигини ва олижаноблигини, халқаро революцион ҳаракат олдидаги ўзининг интернационал масъулиятини чуқур англаган совет кишилари беш йиллик планни муддатидан олдин бажаришга, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган ўзларининг куч ва ғайратларини оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Пленуми партия билан халқнинг бирлигини бундан буён ҳам бутун чоралар билан мустаҳкамлаб бориш, идеология ишини, марксизм-ленинизмнинг улуғ таълимотини пропаганда қилишни ҳар томонлама авж олдириш зарурлигини уқтириб ўтди. Мамлакатимизда коммунизм қурилишидаги муваффақиятлар қардош социалистик мамлакатларнинг, барча революцион кучларнинг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда, халқаро империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун кураш манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Партиямиз совет халқининг чексиз мададига таянмоқда. Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги жамиятимизнинг энг зўр қуролидир.

Коммунистлар ва Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида ўз сафларини тағин ҳам маҳкамроқ жипслаштириб, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми байроғи остида бутун инсониятнинг порлоқ келажаги бўлган коммунизм сари дадил йўл солмоқдалар.

(19 июлдаги бош мақола).

РСФСР БАЙРОҒИДА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

Кеча РСФСР Олий Советининг сессиясида Россия Федерациясига Октябрь революцияси ордени топширилди. Бу юксак мукофотни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний топширди.

(Бу ҳақдаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).

ЯКДИЛЛИК ВА ЖИПСЛИК

МОСКВА

18 июлда КПСС Москва шаҳар ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. «КПСС Марказий Комитетининг июль (1968 йил) Пленуми якунлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин доклад қилди.

Музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг халқаро сиёсат соҳасидаги, социализм позицияларини мустаҳкамлаш, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги жипслигини мустаҳкамлаш соҳасидаги, социалистик ва носоциалистик мамлакатлар коммунистик ҳамда ишчи партиялари билан муносабатлар соҳасидаги сиёсий йўлини ва амалий ишларини бутунича ва тўла равишда маъқулладилар. Нотиқлар социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг Варшавада бўлиб ўтган учрашуви якунларига ҳамда Чехословакия Коммунистик партияси ва халқларига нисбатан самимий, дўстона интернационал ёрдамнинг ифодаси бўлган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети номига қардош партиялар учрашувида қабул қилган мактубга юксак баҳо бердилар.

Москва шаҳар партия активи резолюция қабул қилди. Шу резолюцияда КПСС Марказий Комитети Пленуми якунлари ва Пленум қарори бутунича ва тўла маъқулланди, раҳбарлик ва оғишмай амалга ошириш учун қабул қилинди. Резолюцияда айтиладики, Москва коммунистлари, барча меҳнаткашлар партиямизнинг бош йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлаган ҳолда бундан кейин ҳам партия ва халқнинг бирлигини, уларнинг ленинчи Марказий Комитет теварагида жипслигини ҳамма чоралар билан янада мустаҳкамлаш учун бундан кейин ҳам зарур бўлган ҳамма ишларни қиладилар.

Актив ишонч билдириб айтдики, Чехословакия Коммунистик партияси ва Чехословакияда яшовчи халқлар, қардош партиялар мактубини маъқуллейди ва қўллаб-қувватлайди, бу мактуб Чехословакия билан Совет Иттифоқи, бутун социалистик ҳамдўстлик халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЛЕНИНГРАД

18 июлда Смольнийда Ленинград область партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети 1968 йил июль Пленуми якунларини муҳокама қилдилар. Бу ҳақда КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков доклад қилди.

Музокарада қатнашганлар КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш якдиллик билан резолюция қабул қилиб, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорини, халқаро сиёсат соҳасида, социализм позицияларини мустаҳкамлаш, жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг кучайтириш йўлини олиб бориш соҳасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг фаолиятини қизғин маъқуллади. Резолюцияда социалистик мамлакатлар коммунистик ва [illegible] партиялари делегацияларининг Варшава учрашувида чиқарган хулосалари, шунингдек мазкур учрашув партияларининг Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети номига қабул [illegible] мактуби қўллаб-қувватланади.

(ТАСС мухбири [illegible]

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Ҳиндистон Республикасининг Президенти доктор Зокир Ҳусайн 1968 йил 8 июлдан 18 июлгача дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди.

Совет—Ҳиндистон қўшма ахборотида айтиладики, Ҳиндистон Президенти ва унинг ҳамроҳлари СССРда бўлган вақтларида совет жамоатчилиги кенг доираларининг вакиллари билан учрашиш ва суҳбат қилиш имконига эга бўлдилар. Ҳинд меҳмонлари ҳамма жойда самимий ва шодиёна меҳмондўстлик билан кутиб олинганликларини мамнуният билан қайд қилдилар. Улар ана шу самимий кутиб олиш ва меҳмондўстликни совет халқининг Ҳиндистон халқига нисбатан чуқур ҳурмат ва дўстлик туйғуларининг ифодаси деб баҳоладилар.

Ҳиндистон Президенти СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан бир неча марта ошкора дўстона суҳбат қилди. Самимият ва дўстлик вазиятида ўтган бу суҳбатлар давомида ҳозирги халқаро аҳволнинг актуал проблемалари, шунингдек Совет—Ҳиндистон муносабатлари ва бу муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳар иккала томон шуни қайд қилдики, шарқи-жанубий Осиёдаги вазият жуда кескинлашиб, янада кенгроқ кўламдаги ҳарбий можаро бошланиши хавфини туғдираётганлиги муносабати билан умумий тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш масаласи жуда катта аҳамиятга эгадир. Томонлар Вьетнам проблемасини ҳал этмоқ учун Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишни батамом ва сўзсиз тўхтатиш ҳамда Вьетнам халқининг ўз тақдирини ташқаридан ҳеч кимнинг аралашувига йўл қўймай 1954 йилда Женевада тузилган битимларни бажариш асосида ҳал этиш ҳуқуқини тан олиш зарур эканлигини яна бир марта таъкидладилар.

Ҳар иккала томон Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилди ва Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрда қабул қилган резолюциясини тўлиқ бажариш ҳамда Исроил қўшинларини улар 1967 йил 5 июнгача эгаллаб турган линияга дарҳол олиб чиқиб кетиш ғоят зарур эканлигини уқтириб ўтди.

Ҳар иккала томон, дейилади ахборотда, ҳозирги халқаро вазиятнинг бир қатор муҳим проблемалари юзасидан Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг тутган йўли бир-бирига тўғри келади ёки бир-бирига жуда яқин, деб таъкидлади. Бу ҳолат ҳар иккала мамлакатнинг халқаро майдонда янги жаҳон урушининг олдини олиш мақсадида, умумий тинчликни мустаҳкамлаш, озодлик, миллий мустақиллик учун ва давлатлар территориясининг бутунлиги учун кураш манфаатлари йўлида самарали ва конструктив ҳамкорлик қилишларига имкон яратиб беради.

Ахборотда уқтириб ўтилганидек, ҳар иккала томон ҳозирги пайтда халқларнинг тақдири ва хавфсизлиги барча тинчликсевар кучларнинг бирлиги ва жипслигига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ боғлиқ, деган фикрни изҳор қилди. Блокларга қўшилмаган мамлакатлар бу жиҳатдан муҳим роль ўйнайдилар. Совет томони Ҳиндистоннинг тинч-тотув яшаш ва блокларга қўшилмаслик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келаётганлигини, низоли халқаро масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш ишига позитив ҳисса қўшаётганлигини мамнуният билан қайд қилди.

Суҳбатлар давомида Ҳиндистон—Покистон муносабатлари хусусида фикрлашиб олинди. Ҳиндистон ва Покистон Тошкент Декларациясининг қоидаларига амал қилиб, низоли масалаларни қадам-бақадам ҳал этиш ва ўз ўрталарида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш йўлида куч-ғайратларини сарф этаверадилар, деб умид билдирилди.

Ҳар иккала томон ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглик, бир-бирини ҳурмат қилиш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ўзаро фойдали ҳамкорликнинг доим ва оғишмай ривожланиб бораётганлигини зўр мамнуният билан қайд қилди.

Совет Иттифоқи ҳам, Ҳиндистон ҳам ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ривожлантирилиши Осиёдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик ишига позитив ҳисса қўшишига аминдир, деб таъкидланади ахборотда.

Ҳиндистон Президенти доктор Зокир Ҳусайн СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийни ўзи учун қулай пайтда Ҳиндистонга келишга таклиф этди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди. (ТАСС).

Бошланғич ташкилот— партиянинг асоси

ЕТАКЧИ

«Каршистрой» партия комитетида 4-йўл қурилиши бошқармаси партия ташкилотининг ҳисоботи қўйилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Партком бошқарма коллективининг қурилиш планларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича мунтазам адо этаётганлигини қайд этди. Коммунистларнинг деярли ҳаммаси ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида меҳнат қилаётганлиги ҳам айтилди. Шу билан бирга партия ички ишларида айрим нуқсонлар, етишмовчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, партия йиғилишлари, бюро мажлислари муҳокамасига қўйиладиган масалаларни пухта тайёрлашга эътибор берилмаётганлиги, бу ишга активистлар жалб этилмаётганлиги танқид қилинди...

Маълумки, партия ишини яхшилаш, уни жонлаштириш учун бирон бир андоза йўқ. Бу — ижодий иш. Ҳар бир тадбирни амалга оширишда муайян шароитга қараб иш тутмоқ даркор. Коммунистларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни, маълумоти, савияси ва бошқа томонларини ҳисобга олиб иш қилмаса бўлмайди. Қисқаси, ким нимага қодир, қандай топшириқни бажара олади-ю, қайси бирини уддалайолмайди. Ана шу ҳисобга олинади.

Бу ўринда шундай мисол келтираман. Партия йиғилишларидан бирида омма билан ишлаш, улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни кучайтириш масаласи муҳокама қилинди. Бу темирчи коммунист П. Муқимовнинг таклифи эди. У бир куни партбюрога келиб:

—Марказий устахонада, йўл трассасида барча участкаларда, клубда лекция ва суҳбатлар бўлиб туради. сиёсий ахборотчилар ҳам яхши ишлаётирлар. Лекин хонадонларда, ётоқхоналарда бу иш кўнгилдагидек амалга оширилмайди. Ваҳолонки бу жойларда жуда катта тарбиявий иш олиб бориш мумкин,—деди.

—Бу таклифнинг нақадар ҳаётий эканлиги,—дейди партбюро секретари ўртоқ З. Раченко, — партбюро аъзоларини қизиқтирди. Коммунистнинг таклифини амалга ошириш устида ўйлашиб олдик. Сўнг иш планига киритилиб коммунистлар муҳокамасига қўйилди. Барча коммунистлар ана шу тадбирларни амалга ошириш керак эканлигини яна бир бор тасдиқладилар. Ўз фикрларини айтдилар. Бу ишга бош-қош бўлиш П. Муқимовга топширилди. Инженер-техник ходимлар, бригадирлар ҳам бунга жалб этилди. партбюро аъзолари, коммунистлар, комсомоллар, пенсионерлар, илғор интеллигенция тортилди. Масалан, бошқарма посёлкасида агитация иши олиб бориш Зимин, Ершов ўртоқлар зиммасига юкланди. Улар кишилар яшаб турган жойларда турли темаларда лекциялар, кизиқарли суҳбатлар ўтказдилар. Ҳозир ҳам кишилар билан якка тартибда иш олиб бормоқдалар. Бу эса турли тартибсизликларга, ярамас ҳатти ҳаракатларга эскилик сарқитларига қарши курашда ёрдам беряпти. Янги социалистик традициялар дадиллик билан амалга ошириляпти Масалан, комсомол тўйлари ўтказиш, пенсияга ҳурмат билан узатиш, ўспиринларни армияга кузатиш каби маросимлар коллектив учун одат тусига айланди.

Ҳар бир партия мажлисида бундан олдингисида белгиланган тадбирлар, қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлиги, коммунистлар томонидан тушган эътирозлар, талаб ва эҳтиёжлар ижроси қандай бажарилганлиги тўғрисида ахборот берилади. Бу эса ҳар бир тадбир ва қарорнинг кучи, уларнинг ижрочилари масъулиятини оширади. Партия ички демократиясини, танқид ва ўз ўзини танқидни кучайтиради, бошланғич партия ташкилотининг коллектив ўртасидаги обрўсини оширади, партиявий ишлар таъсири кучаяди.

Бошқармага юксак вазифалар, масъулиятли топшириқлар юклатилган. Шу йилнинг ўзида 2.9 миллион сўмлик пудрат, қурилиш-монтаж ишлари комплексини бажариш керак. Шу жумладан, 50.4 километр масофадаги автомобиль йўлига асфальт ётқизиш 7 ноябрга қадар тугаллаш кўзда тутилган.

Шоферлар В. Никифоров, Г. Зимин, бульдозерчилар Б. Бозоров, А. Набиев скреперчи А. Любецкий, И. Дерзюк, слесарь А. Кисилев, дурадгор Р. Усмонов сингари пешқадам коммунистлар ишда ташаббускор бўлаётирлар, қурилишга илғор, прогрессив иш усулларини дадиллик билан жорий қилаётирлар.

Йил бошида бошқармада иш унча юришмади. Об-ҳавонинг ноқулай келиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида тахт бўлмаслиги ва бошқа сабабларга кўра январь ойида қурилиш графиги бажарилмайдиган бўлди. Албатта бу ҳол коммунистларни ҳам, бутун коллективни ҳам ташвишга солди. Партия йиғилиши бу соҳада бошқарма бошлиғи ва бош инженернинг ахборотини тинглади. Масалага принципиал қараган коммунистлар қатъий қарор қилишди: 4-йўл қурилиши бошқармаси коллективи учун давлат планини бажармаслик ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди! Барча имкониятларни ишга солиб, ҳеч бўлмаса квартал планини бажарамиз, йўл қўйилган нуқсонларимизни йўл-йўлакай тузатамиз!

Қизғин ўтган мажлисдан сўнг ҳамма чўлга йўл олди, марказий устахонада ҳам иш қизиб кетди. Участка бошлиқлари, бош инженер, механизаторлар билан ҳамкорликда мажлис қарорини бажаришга киришдилар Таъминотчилар бўлса база бошлиқларига тиним бермай материал етказиб туришди Ёнилғи, запас қисмлар ҳам топилди. Мана биринчи квартал якунига назар ташлайлик: 760 минг сўмлик қурилиш ишлари адо этилди. Қурилиш графиги 100 процент бажарилди. Март ойида эса 254 ўрнига 280 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Апрель, май ва июнь ойлари планлари ҳам ошиғи билан бажарилди.

Партбюро ва партия ташкилотининг кучи унинг омма ўртасидаги обрўси билан ўлчанади. Агар коммунистлар партия ташкилоти қарорларини бажариш учун барча куч ва билимларини сарф қилсалар, излансалар, ички резервларни ишга солишда ҳаммага ўрнак бўлсалар иш юришиб кетаверади. Коммунистларнинг активлигини ошириш эса кўп жиҳатдан партбюронинг тутган йўли ва иш услубига боғлиқ. Партия йиғилишлари бошқармада жонли, ишчанлик руҳида ўтадиган бўлган экан, ундаги кўриладиган масалалар коллектив ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ экан, буни амалга оширишда партбюро аъзолари шофер Григорий Зимин, дурадгор Рўзи Усмонов, механик Владимир Ершов, механизатор Бешим Бозоров, слесарь Анвар Ахмедшин ўртоқларнинг роли катта.

Партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини ошириш, коммунистлар активлигини яна ҳам кўтариш бошқарма партбюросининг диққат марказида Шунинг билан бирга коллектив зиммасидаги шарафли вазифаларни тўла-тўкис бажариш учун оммани сафарбар қилишга эътибор кучайтирилган. Бунинг учун партиявий ишнинг янги-янги форма ва методларидан фойдаланилмоқда.

Р. ЎРОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Термиз районининг халқ маорифи ходимлари Сурхондарё областида биринчи бўлиб, мактаблар ремонтини тугаллаганликлари ҳақида рапорт бердилар. Партия, совет ташкилотларининг актив ёрдами, колхоз ва совхозлар маъмуриятининг амалий мадади, жамоатчилик кўмаги туфайли 49 та мактаб сифатли ремонт қилинди. 4200 парта, 15 ошхона, 49 буфет қўлдан чиқарилди. Шунингдек, ўқитувчилар учун янгидан тўртта уй-жой қурилиб, буларнинг 26 та квартираси сифатли ремонт қилинди. Мактаблар қошида 15 та янги ўқув устахонаси қурилди.

Ўқитувчилар учун 1500 тонна кўмир ташиб олинди ва тарқатилди. Ўқув қуроллари, дарсликларни олиш ва сотиш намунали ташкил этилди.

Колхозлар кучи ва маблағи билан иккита типовой мактаб биноси, 10 синфхона қуриб битказилди.

Мактаблар ремонтига «Октябрь 40 йиллиги», Жданов номли, Калинин номли колхозларнинг правлениелари ва қишлоқ Советлари амалий ёрдам бердилар.

Шўрчи районида (район халқ маорифи бўлими мудири Э. Мирзаев) 10 июлгача 40 дан ошиқ мактаб ремонт қилинди. Иккита янги типовой мактаб, 18 та синфхона қурилди. Ўқитувчилар учун 10 квартира, 11 та таълим устахонаси қуриляпти.

Бироқ, райондаги айрим мактаб раҳбарлари ремонт ишларини сунъий равишда чўзиб юборяптилар. Масалан, 3, 25, 39- мактабларда (директорлари Аразов, Нормуродов, Қаршиев ўртоқлар) ремонт бошланди-ю, ташланди. Улар у йўқ, бу йўқ, алиф етишмайди, бўёқ оз каби турли-туман баҳоналарни рўкач қилиб ремонт ишини ўз ҳолига ташлаб қўйдилар.

Бундан ташқари айрим жойларда мактаб бинолари ва инвентарлар ремонти жуда сифатсиз бажарилмоқда.

Денов районидаги (халқ маорифи бўлими мудири Т. Эшпўлатов) 61 та мактабда ремонт бошланди. Янгидан 10 мактаб қурилмоқда. «Ҳазорбоғ» совхози маъмуриятининг амалий ёрдами билан бу ердаги 8 та мактабнинг ҳаммаси сифатли ре[...]иб бўлинди.

[...] Денов районидаги [...] қурилиши ва ремонт ишларида жиддий камчиликлар бор. Жумладан, 47-, 49-, 58-мактабларда ремонт жуда суст боряпти. Қилинган ишлар сифатсиз. Янги бинолар ва синфхоналар қуриш ҳам ўзибўларчилик билан ўтяпти.

Сариосиё районидаги 67 мактабдан ҳозиргача атиги 3 таси қўлдан чиқарилди. Янгидан қурилиши лозим бўлган 23 та синфхонага ҳануз қўл теккизилгани йўқ.

Бойсун районида ўтган йилги хатолар тағин такрорланяпти. Бу ерда ремонтга доир ишларнинг ҳаммаси «ҳали вақт кўп» баҳонаси билан орқага суриляпти. Қилинаётган ишлар эса шунчаки, «хўжа кўрсин»га, пала-партиш, сифатсиз бажариляпти. Ҳанузгача бу райондаги 14 та мактабга ҳатто қўл ҳам урилгани йўқ.

Биз М. Горький номли мактабга бордик. Бойсун дарёсининг шундоққина соҳилида тизилиб турган ўнлаб тартибсиз қурилган иморатларни кўрдик.

Мактабнинг синфхоналари кичик, деразалари митти, 860 ўқувчи ва 46 ўқитувчига эга бўлган райондаги энг йирик мактаблардан бирида аҳвол шундай қониқарсиз.

Умуман олганда районда мактаблар қурилиши ўлда-жўлда. Совхозлар томонидан мактаб учун қурилиши лозим бўлган янги бинолар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. «Робот» совхозидаги 3-,4-,6-,8-мактаблар қурилиши совхоз директори Неъмат Умаровнинг айби билан чала ётибди. Умаров қурилиш материаллари йўқлигини важ-карсон қилишга уринади. Аслида эса мактаблар қурилиши учун берилган бир вагон ёғочни унинг ўзи бошқа мақсадлар учун сарфлаб юборган.

«Сайроб» совхозидаги 10-, 13-,15-,16-мактаблар учун қурилиши зарур бўлган янги бинолар ҳам ҳар йили планлаштирилади-ю, бироқ бошланмай қолиб кетади. Сайроб қишлоқ Совети (раиси Э. Отақулов) Охунбобоев номли саккиз йиллик мактабнинг янги биноси учун маблағ ажратишни хаёлига ҳам келтирмаётир. Шу ердаги Толстой номли мактаб директори М. Раҳматов янги бино учун ажратилган маблағдан икки йилдан бери фойдаланмайди.

Хўжабулғон қишлоғидаги Карл Маркс номли ўрта мактаб тўрт йилдан бери томи ёпилганича эшик, ойнасиз, полсиз ётибди.

Райондаги кўпчилик мактаб бинолари яхши жиҳозланмаган. Бундай мактаблар жумласига Маяковский номли, Чкалов номли, Толстой номли, Охунбобоев номли мактабларни киритиш мумкин. Бу мактабларда санитария-гигиена, тозалик ишлари ҳам издан чиққан.

Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, маориф органлари мактабларга мана шундай ўтакетган масъулиятсиз муносабатда бўлганлари учун таълим-тарбия ишида ҳам жиддий камчиликлар содир бўлмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, район партия комитети ва унинг бюроси мактабларга жуда юзаки раҳбарлик қилмоқда. Онда-сонда мактаб ҳаётига доир масалалар бюрода муҳокама этилса-да, бироқ қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун курашилмайди, натижада таълим-тарбияга оид райком қарорлари қоғозда қолиб кетяпти.

Район ижроия комитети ҳам мактабларга телефон орқали, алоқа қоғозлари воситаси билан раҳбарлик қилишни одат қилиб олган десак хато бўлмайди. «Ахир, мактабларга раҳбарлик қилиш учун маориф бўлими бор, бу бўлим ижрокомга қарайди-ку» дейишади ижроком раиси ва унинг ўринбосари бир овоздан.

Тўғри, ижроком мажлисларида, район Советининг сессияларида мактаб-маорифга доир жуда кўп майда-чуйда масалалар (РайОНО Советининг янги составини тасдиқлаш, зилзиладан зарар кўрган мактабларга ёрдам бериш, ўқувчилар спартакиадасини ўтказиш бўйича ташкилий комитет составини тасдиқлаш, мактабларнинг номини ўзгартириш, янги мактаблар ташкил этиш) кўрилган-у, аммо бирорта ҳам муҳим масала муҳокама этилмаган. Афтидан райижроком мактабларга раҳбарлик қилиш соҳасидаги бутун ишни фақат халқ маорифи ходимлари зиммасига юклаб қўйиш билан, бу ишни ўз устларидан соқит қилдик, деб ўйласалар керак!

Областдаги 418 мактабда 1 сентябрь куни машғулотлар бошланиши керак. 150 минг ўқувчи парталарга ўтирмоғи лозим. Бу ишнинг муваффақияти ремонт ишининг ўз вақтида тез ва соз бажарилишига боғлиқ. Аммо, капитал ремонт қилиниши лозим бўлган 56 мактабдан тенг ярмига, жорий ремонт бўлиши кўзда тутилган 362 мактабдан 120 тасига ҳануз қўл урилгани йўқ. Янгидан қурилиши лозим бўлган 180 синфхона, 30 янги типовой мактаб, 64 квартира қуриш ишлари ҳам ўлда-жўлда.

Партия ва ҳукуматимиз қарорига асосан 1970 йилдан бошлаб ўн йиллик умумий-мажбурий таълимга ўтиш тадбирлари белгиланган ҳозирги шароитда халқ маорифи ходимлари ва совет мактаби олдида жуда улкан вазифалар турибди.

1968—1969 ўқув йилининг бошланишига оз вақт қолди. Ўқув йилини муваффақиятли бошлаб юбормоқ учун, тайёргарлик ишларини тубдан яхшиламоқ, айрим партия, совет ташкилотларининг халқ маорифига бўлган нотўғри муносабатини ўзгартирмоқ, мактабга эътиборни кучайтирмоқ зарур.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Республикамиз корхоналарида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш мусобақасига қўшилганлар кўпайиб бормоқда. Суратларда (юқоридан пастга): Самарқанд шойи тўқув фабрикаси тайёрлов цехининг пешқадам ишчиси Заҳро Қосимова. У смена топшириқларини сурункасига 115—120 процентдан адо этишга муваффақ бўлаётир. Тошкент подшипник заводида бир неча йиллардан буён баракали меҳнат қилиб келаётган сараловчи ўртоқ Р. Самохина ҳар сменада 15 минг ўрнига 16—17 минг шарикни саралаяпти.

А. Тўраев фотолари.

ТАРБИЯ МАВЗУИДА

МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА АТЕИСТИК ТАРБИЯ

Ота-боболаримиздан мерос сифатида сақланиб келаётган яхши анъаналарни эъзозлаймиз, бу анъаналарда кишиларнинг минг йиллар давомидаги тажрибалари йиғилган. Биров жой қурса, ариқ тозаласа, қудуқ қазиса, кўприк барпо қилса ёки бирор мушкул аҳволга дуч келса унга қалб амри билан беғараз кўмаклашамиз. Бизда яхши ният билан фарзанд кўрган куни унинг тўйига атаб терак экиш одати бор. Бу тераклардан уй қуриб, келин-куёвни янги уйга кўчириб, ҳовли тўйи ўтказилади. Тўй ва бошқа маъракаларга бориш, қаҳрамонларни, олимларни ва бошқа доно кишиларни ҳурмат билан хотирлаш инсонпарварлик қоидалари бўлиб қолган.

Совет кишилари ҳаётида иззат-ҳурмат анъаналари тобора кўпроқ камол топмоқда. Тўйларда, сайилларда кураш, пойга, санъат, музика, аскиябозлик кишиларимиз дили, қалбига сингиб кетган бўлиб, халқимиз улардан маънавий баҳра олади. Бобо деҳқонларимиз баҳор кириб келиши билан кўкламга пухта тайёргарлик кўриб, наврўзга пешвоз чиқадилар, куз пайтида қишлоқ хўжалик экинларини ўзаро кўмаклашиб ўриб-йиғиб оладилар. Шунингдек, етим болани олиб тарбиялаш, беморни бориб кўриш ва унга ёрдам кўрсатиш халқимизнинг инсоний фазилати, анъаналаридандир.

Ҳозир халқимизда ўз Ватанига садоқат, меҳнатсеварлик, поклик, давлат мулки ва шахсий мулкка хиёнат қилмаслик, улуғ айёмларни меҳнатда янги ғалабалар билан нишонлаш, қардош республика халқлари билан ўзаро мусобақалашиш, декадалар ўтказиш ва бошқа шу каби миллий анъаналарнинг ўзига хос янги формалари вужудга келди.

Лекин шу билан бирга, дин ва диний урф-одатлар, эскилик сарқитлари меҳнаткашларнинг айрим қисми турмушида ҳозир ҳам учраб тураётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Айрим кишилар диний маросимларни ота-боболаримиздан, авлоддан-авлодга мерос қолиб келаётган ва замонамиз талабларига жавоб берадиган анъанадан фарқлаёлмайдилар. Улар ҳатто дуохонлик, парихонликни ҳам миллий анъана деб ҳисоблайдилар. Бу тамомила нотўғридир.

Диний урф-одат асири бўлган баъзи бир ота-оналар ўз фарзандларини 7-8 ёшидан бошлаб рўза тутишга мажбур этадилар. Ҳар бир соғлом ақлли одамга маълумки, болаларнинг организми овқатга, сувга бўлган эҳтиёжи ўз вақтида тўла қондирилмаса нормал ривожланмайди. Ҳозирги замон медицина фанларининг тасдиқлашича рўза фақат организмни жисмоний ўсишинигина эмас, шу билан бирга нерв системаси, юрак ва бир қатор органларнинг нормал иш фаолиятига ҳам салбий таъсир этади. Ошқозон, асаб касалликларига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда диний тарбия РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 23 январдаги «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида»ги декрети билан бекор этилган. Бироқ руҳонийлар болаларни ўз таъсирига олишдан воз кечди деб ўйлаш хато бўлур эди. Руҳонийлар болаларга уларнинг динга ишонувчи ота-оналари орқали таъсир кўрсатадилар, уларни диний урф-одатларни бажаришга, ўз ота-оналари билан биргаликда ибодат этишга, уларни ҳар хил диний дуоларни ёд олишга ундайдилар. Шундай қилиб, ҳозирги кунда ёш авлодни диний жиҳатдан тарбиялаш динга ишонувчи ота-она ёки бошқа қариндошлари бўлган оилаларда кўпроқ учрайди. Булар эса, болаларнинг шакллана бошлаётган характерига, ахлоқий кўникма, одатларига, дид, дунёқарашига, жисмоний камолотига таъсир кўрсатади.

Бизда ҳали мактабга қадам қўймаган, мактаб ёшида бўлмаган, аммо мактаб дарсликларидаги айрим шеър, қўшиқ, эртакларни, баъзи арифметик амалларни билиб олган, техника янгиликларидан ҳам бир оз хабардор бўлган болаларни кўплаб учратиш мумкин. Бу эса, оилаларда берилаётган тўғри тарбиянинг маҳсули. Лекин, диний иллатлар ҳукмронлик қилган оилаларда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Дин ҳар бир нарсани исботсиз-далилсиз, фақат «насиҳат» йўли билан қабул этишни тақозо этади. Бу эса, болаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини, ғайратини бўғиб қўяди. Руҳонийлар болаларга нарса ва ҳодисаларнинг асл сабабларини нотўғри тушунтириб, уларни қандайдир сеҳрли дуолар, мўъжизалар билан изоҳлайдилар.

Биз педагоглар эса болаларни ёшлигидан эркпарварлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик руҳида тарбиялашга интиламиз. Бу ишда ажойиб миллий анъаналаримиз жуда қўл келади. Чунки миллий анъаналар тарбия, тараққиёт манфаатларига жавоб беради, инсоний фазилатларнинг камол топишига хизмат қилади. Шунинг учун биз зарарли диний урф-одатларни кескин қоралаб, яхши анъаналаримизни қўллаб-қувватласак, ёш авлод тарбиясига катта фойда етказамиз.

А. РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер.

Х. АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона педагогика институтининг муаллими.

Маҳалл[ий С]оветлар иш тажрибасидан

ЮКСАЛИШ

Ку[м]ушкент қишлоғи кунда бир яшнамоқда. Янтоқзор ва шўр босиб ётган ерлар ўзлаштирилиб «оқ олтин» хазинасига айлантирилмоқда, пастқам, гувала деворли кулбалар ўрнида турнақатор замонавий уй-жой, маъмурий маиший бинолар қад ростламоқда. Хонадонларни Ильич чироқлари мунаввар этиб турибди. Асфальт йўллар ва йўлкалар бунёд этилмоқда. Ҳамма ишда жонкуяр депутатлар бош-қош бўлмоқдалар.

Вобкент районидаги Кумушкент қишлоқ Советига қарашли «Зарафшон» колхози бир вақтлар районда энг қолоқ хўжаликлардан саналарди. Қишлоқ Совети сессияларида бу ҳол қаттиқ танқид қилинсада, негадир ҳеч ижобий натижа бермасди. Қишлоқ ободончилигига, хўжаликнинг иқтисодий юксалишига бунинг [...]ри урарди. Изланиш на[ти]жасида бу камчиликнинг [ил]дизи очилди. Сайлов вақтида [ж]амоат ва хўжалик ишлаб чиқариш ишларида ўзини кўрсат[ган], ташкилотчилик қобилияти [...] меҳнатсевар коммунистлардан қишлоқ Совети депутатлигига янги номзодлар [кўрс]атилди. Нуқсонлар очиб [ташла]нди.

Ана шундан кейингина [...]имиз фаолиятида бури[...] [...]ор[...]либ, у илғор колхозлар [...]н муносиб ўрин ола[...] [...]ети — дейди қишлоқ Советининг депутати, «Зарафшон» колхозининг раиси В. Фаттоев. — Ўша йили 1337 гектар майдонга барака уруғи экиб, ҳар гектар ердан 16.1 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарган эдик. Умумий даромадимиз 1 миллион 45 минг 906 сўмга етганди. Бироқ, бу миқдор депутатларимизни қаноатлантирмасди. Улар янги марралар сари интилиб изландилар. Айниқса қишлоқ хўжалик бўйича доимий комиссия аъзолари зиммасига янги-янги вазифалар юкланди. Ҳар бир депутат ўз постида масъулият ҳис этиб меҳнат қилди. Орадан икки-уч йил ўтмасданоқ хўжалик қаддини ростлаб олди. Бунинг самараси ўлароқ ўтган йили колхоз меҳнаткашлари яхши кўрсаткичларни қўлга киритишди. 1385 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан «оқ олтин» кўтарилди, ҳосилдорлик анча ортди. Пахтачиликдан 1 миллион 472 минг, чорвачиликдан ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан 172 минг 300 сўм даромад қилинди.

Бу муваффақиятнинг боиси нимада? Депутатлар хўжалик ишлаб чиқаришига кенг жалб этилди. Уларнинг талаб ва мулоҳазалари асосида колхоз кўплаб қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиб, дала ишлари механизация гарданига юклатилди. Алмашлаб экиш кенг йўлга қўйилди. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда 32 чопиқ трактори муттасил ишлатилди. Ҳосилнинг кўпчилик қисми «зангори кема»ларда йиғиштириб олинди. Илғор тажрибалар оммалаштирилди. Социалистик мусобақа ғолиблари учун бригадалараро кўчма Қизил байроқ таъсис этилди. Бу ўзининг самарасини кўрсатди.

Колхоз чорвадорлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳам чакки бўлмади. Ўтган хўжалик йилида 310 сигирдан 248 тонна сут соғиб олинган бўлса, беш йилликнинг иккинчи йилида 313 бош сигирдан 270 тонна серқаймоқ сут соғиб олинди. Йил охирида бу кўрсаткич 285 тоннага етди.

Хўжаликда иқтисодий тежамкорлик ишларига ҳам катта эътибор берилди. Совет ва колхоз правлениеси ортиқча штатларни қисқартириш йўли билан ва оғир юмушлар механизациялашганлиги сабабли 3900 сўм тежаб қолинди. Тежалган маблағлар ҳисобига ҳам посёлка қиёфаси ўзгариб, обод ва кўркамлашмоқда. Қишлоқ марказида колхоз бозори, спорт майдони, ўрта мактаб биноси ва сўлим истироҳат хиёбонлари барпо этилмоқда.

Хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда қишлоқ Совети доимий комиссиялар, депутатлар ва жамоатчиларга таянмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори маҳаллий советлар олдига янги вазифалар қўйди. Депутатлар бу қарорни мамнунлик билан қарши олиб, ўзларига ишониб топширилган шарафли ва масъулиятли вазифани бажонидил бажармоқдалар.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Ҳ. ЯҲЕЕВ.
Бухоро области.

Ҳар тўғрида бир шингил

ТОШКЕНТ. Оржоникидзе районида «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозлараро пионер лагери ташкил қилинди. Янги очилган пионер лагерида колхозчиларнинг 200 дан ортиқ болалари дам олмоқда.

А. СУЛАЙМОНОВ.

СУРХОНДАРЁ. Термиз районидаги мавжуд 88 мактабнинг 49 тасида капитал ва жорий ремонт ишлари тугатилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Х. ХУШБОҚОВ.

КЎЗЛАРИ ЙЎЛДА...

Тимофей Васильевич Пенковнинг қўли 33 йилдан буён рулда, унинг кўзлари 33 йилдан буён йўлда.

Тошкентдаги «Октябрь революцияси» тепловоз вагон-ремонт заводи дарбозасидан ҳар куни ўнлаб машиналар ўтади. Бу машиналарнинг шоферлари турли миллат кишилари. Мана шу ажойиб ҳунар эгалари: «Бизни шоферликка ўргатган Тимофей Васильевич» деб устозларининг номини ғурур билан тилга оладилар.

Тимофей Васильевич Улуғ Ватан уруши йилларида ўрмон ва дарёлар, қум ва ботқоқлардан ўтиб, қанча-қанча снаряд, мина, ўқ ташиди. Сон-саноқсиз ҳарбий юкларни манзилга етказиб жанговар, ме-

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

●

даллар билан тақдирланди.

Мана ҳозир у яна ўз ҳунарининг гаштини суриб шоферлик қилмоқда. Одатда биз шофер деганда фақат машина рулини бошқарувчи киши деб биламиз.

— Шофер,—дейди Тимофей Васильевич,— у инженер, слесарь, темирчи, монтажчи,—машинанинг шифокори бўлиши керак. Машинанинг ҳамма икир-чикирини билиши зарур. Машинанинг бирор қисми бузилиб қолса уста қидириб юрган шофер шофер эмас, ҳамма ишни ўзи бажариши керак.

Тимофей Всильевич сўзига амал қиладиган киши. У ҳар қандай маркали машина бузилса енг шимариб ўзи тузатади. Деталларни пайвандлаш, регулировка қилиш, электр мосламалари, двигателнинг ишлашини текшириш каби хилма-хил ишларни ўзи бажаради. Тимофейнинг шогирдлари шунинг учун ҳам уни яхши кўрадилар.

— Устозимиз 70 ҳунарнинг эгаси,— дейди улар.

Тимофей Васильевичнинг кўксини «Шофер аълочиси» деган значок безаб турибди. Бундан ташқари Ўзбекистон Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг бир қанча фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

У. МУҲАМЕДОВ.

ХУШХАБАРЛАР

ДЎСТЛАР ЁРДАМИ

Тошкентда бўлган зилзила оқибатларини тугатишда иштирок этган Туркманистон бинокорларининг катта группаси янгида Ўзбекистондан Ашхободга қайтиб келди.

Қурилиш поездининг коллективи ўз зиммасига олган мажбуриятини шараф билан адо этди.

● СУТ КОНВЕЙЕРИ

Тўрткўлда қурилаётган сут-ёғ заводининг асосий ишлаб чиқариш корпусида технология ускуналарини монтаж қилиш ишлари бошланди.

Йилига бир неча минг тонна турли сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган бу янги корхона ўз маҳсулотлари билан автоном республиканинг жанубий районлари аҳолисини таъминлаб туради.

Ўнгдаги суратда: Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг тажрибали механиги Тоҳир Исматов. У 22 йилдан буён шу корхонада баракали меҳнат қилиб келмоқда. Бир вақтнинг ўзида 200 дан ортиқ тикув машиналарининг соз ишлашига эришмоқда.

А. Тўраев фотоси.

Фотолавҳалар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Сиз чапдаги суратда пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси деган диплом олиш учун ўқиётган комсомол аъзолари Тошбиби Қурбонова ва Каромат Ҳожимуродоваларни кўриб турибсиз. Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг аъзолари бўлган бу икки қизнинг ҳар бири мавсумда агрегатлар бункеридан 50 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олган.

Қ. Розиков, (ЎзТАГ) фотоси.

ЛУТФИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИ САҲНАДА

ТОШКЕНТДА ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Адабий меросимиз заминида саҳна асари яратилиши — драматургиямизда яхши ижодий анъана бўлиб, миллий театр санъатимиз, хусусан, халқимиз севган музикали драма жанрининг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада атоқли ўзбек шоири ва драматурги Собир Абдулла ҳамда машҳур бастакор, марҳум Тўхтасин Жалилов баракали ижод қилдилар. Уларнинг ҳамкорлигида ўқсак бадиий дид ва маҳорат билан яратилган «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш» музикали драмалари, улардаги қайтарилмас образлар, ажойиб оҳангдор куй ва қўшиқлар қариб ўттиз йилдан буён томошабинлар қалбини тўлқинлатиб, халқ достонларининг умрига умр қўшиб келмоқда. Бундан икки йил муқаддам бу асарлар қаторига яна бири — «Гул ва Наврўз» музикали драмаси қўшилди. Собир Абдулла бу саҳна асарини драматург Музаффар Муҳаммедов билан биргаликда классик шоир Лутфийнинг машҳур «Гул ва Наврўз» достони асосида яратди. Тўхтасин Жалилов бастаси қўйлар ўзининг чуқур миллийлиги, оҳангдорлиги ва мазмундорлиги билан ажралиб туради.

Асарни муаллифларнинг ўзи белгиларганидек, лирик музикали драма тарзида саҳналаштирса ҳам бўларди. Бу билан унинг ғоявий йўналиши ўзгармас ва бадиий қиммати ҳам тушмас эди. Бироқ спектакль қараганда, Фарғона область театрининг ижодий коллективи талантли режиссёр ва актёр Зуннун Мадалиев раҳбарлигида мазкур асарни саҳналаштиришга бирмунча бошқача ёндашган. Фикримизча, театр асарда акс эттирилган узоқ ўтмишдаги ижтимоий жараёнларни, айни вақтда ўша даврлардаги ижтимоий зиддиятларни, эзилган халкларнинг мудҳиш аҳволини тасвирлашни бош мақсад қилиб қўйган ва ана шу ижтимоий воқеалар оқимида Гул билан Наврўзнинг тақдирини кўрсатишга интилган. Театр пьесани бу йўсинда талқин қилиб, унинг ғоявий йўналишини, мавзуини ўзгартирган. Спектаклда халқ тақдири билан инсон тақдири чамбарчас боғланган ва асар ижтимоий лирик музикали драма даражасига кўтарилган. Назаримизда, театр тўғри йўл тутган ва бу билан асарнинг ғоявий қимматини кўтарган.

Асарнинг саҳнавий талқинига бундай ёндашишнинг сабаби, фақат режиссёрнинг фикри-истаги билан изоҳланмаса керак, деб, ўйлаймиз. Бизнингча, бунга асарнинг ўзидаги айрим нуқсонлар ҳам сабаб бўлган. Гарчи бу музикали драмадаги кўпчилик характерлар ва воқеалар ўзгача бўлса ҳам, у ўзининг сюжет тузилиши ва қаҳрамонларнинг қарама-қарши қўйилиши жиҳатидан бир қадар «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасини эслатади. Бироқ, афсуски, характерларнинг тўқнашуви, айни вақтда Гул ва Наврўзнинг қонхўр Бахман билан тўқнашуви, Гулнинг ўз отасига қарши чиқиши, «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасидаги характерларнинг тўқнашувидек, кучли драматизм билан суғорилмаган. Театр асарнинг ғоявий йўналиши ва мавзуини ўзгартириши билан унинг ана шу жиддий нуқсонини чуқурлаштирмай, аксинча уни текислаб ўтган.

Режиссёрнинг асарни саҳналаштиришда тутган йўли ижрочиларга ҳам ўзлари яратган образларнинг характерини бойитиш ва чуқурлаштириш, уларни воқеалар жараёнида изчил ривожлантириш учун катта қулайлик туғдирган.

Гул ролининг биринчи ижрочиси ўзбек халқининг севимли артисти, катта талант ва қалб эгаси марҳума Ҳафизахон Иброҳимова эди. У ўзининг ўқсак актёрлик маҳорати, ғоят нафис ва жарангдор овози билан Гул образида паҳлавонларга хос ирода, куч ва шижоатга эга бўлган, шунинг билан бирга, ўзида Шарқ аёлига мансуб энг яхши фазилатларни мужассамлантирган, ўз севгисига соғиқ, ғўзал ва жасур қизни гавдалантирди. Моҳир санъаткор спектакль давомида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш, яъни гоҳ Гул, гоҳ Юсуф, гоҳ бек қизи, гоҳ қашшоқ навкар, гоҳ ўз севгисига берилган ошиқа, гоҳ арслондек олишаётган ботир йигит қиёфасига кириш жараёнини усталик билан уддаларди. У ўзининг ҳатти-ҳаракатлари, ташқи салобати, кедишган қаддиқомати билан навкар йигит қиёфасига шу қадар ҳаққоний кириб кетар эдики, унинг аёллигини унутиб юборар эди, киши. Бу хусусан Юсуф (Гул)нинг арслонга дуч келиши ва қўлига қилич олиб Бахман билан яккама-якка олишуви саҳналарида яққол кўзга ташланарди. Бу саҳналарда Гулнинг қизлик назокати, нафосати гўё сеҳрлангандек гойиб бўларди ва ўз фикр-туйғулари билан ёлғиз ўзи қолгандагина яна пайдо бўларди. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, актриса Юсуфнинг кечирган оғир дамлари орқали заҳматкаш халқнинг мудҳиш тақдирини ифодалаган. Бу билан у ўзи яратган образни катта бадиий умумлашмалар даражасига кўтаришга эришган эди.

Кеча бу ролни Фотима Баратова ижро этди. Актриса Иброҳимованинг изидан бориб, бу мураккаб образга ўзича сайқал берган ва унинг маънавий хамда ҳиссиёт дунёсини ишонарли очган.

Гулга нисбатан Наврўзнинг характери пьесада анча чекланган Масалан, уни Тоҳир ёҳуд Алпомиш сингари романтик қаҳрамон даражасига кўтариш ғоят мушкул. Унинг умри асарда кишанда ўтади. Образ муаллифларнинг амри бўлган кескин ва кучли тўқнашувлардан маҳрум қилинган. Гул бу шахсни қайси хислати учун севган, фидоийлик қилган? Драматургик манбаининг камбағаллиги, образнинг ҳаракатсизлиги ижрочига катта қийинчиликлар туғдирган. Машҳур санъаткор Муроджон Аҳмедов бу образни жонлантириш, унинг оз бўлса-да, мавқеини кўтариш учун бутун талантини, ижодий тафаккурини ишга солганлиги равшан сезилади. Пьесада берилган ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланганлиги ва ўзининг ўқсак актёрлик маҳорати, ашулачилик санъати туфайли Наврўзнинг довюраклигига, инсонпарварлигига, қалбининг поклиги ва олижаноблигига, иродасининг метинлигига, муҳаббатнинг жўшқинлиги ва самимийлигига ўз қаҳрамонининг ички кечирмаларига томошабиннинг ишончнигина эмас, ҳурматини ҳам туғдира олган.

Табиийки, спектаклда кўтарилган ғоянинг тўла гавдаланиши учун фақат бу иккимарказий образнинг эмас, балки асардаги ҳамма — катта ва кичик, ижобий ва салбий характерларнинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқдир. Ана шу нуқтаи назардан қаралганда Бахман (М. Алиев), Нуқус (Я. Маматхонов) ва саҳнада яратилган бошқа образлар шуни кўрсатадики, кўпчилик актёрлар ўз ролларининг мукаммал чиқиши учун астойдил меҳнат қилганлар.

Гарчи асар узоқ ўтмишдаги даврни ўз ичига олган бўлса ҳам, рассом З. Ғоипов ишлаган декорация ва манзаралар қадимий Эрон ва Арабистон ўлкаларининг ўзига хос иқлими ва табиатини ҳаққоний ифодалайди.

Маълумки, музикали драманинг муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан оркестрга боғлиқ. Театр эса керакли миқдордаги оркестр (штат)га эга эмас. Шунга қарамай, театр созандалари дирижёр Д. Жалилов раҳбарлигида спектаклнинг мазмунли чиқиши учун жонбозлик қилганлар.

Спектаклнинг кўпчилик қисми оммавий саҳналар билан ўтади. Агар бу саҳналар янада жонлантирилса, воқеалар оқимига узвий боғланса, спектаклнинг бадиий ва ғоявий қиммати янада ошади. Бунга хусусан охирги пардада катта эҳтиёж бор.

Умуман, Фарғона театрининг талантли коллективи «Гул ва Наврўз» музикали драмасини муваффақиятли саҳналаштириб, миллий театр санъатимизни яна бир асар билан бойитди.

Ф. ЖЎРАЕВ.

«ЯШИЛ КОНВЕЙЕР»

Республика деҳқонлари яна бир ўрим-йиғим мавсумини бошлаб, юборишлар — маккажўхори йиғиштирадиган комбайнлар далага чиқди. «Яшил конвейер» асосида озуқа массаси экинзорлардан траншеяларга келиб тушмоқда. Бу масса ўтган йилдагидан анча кўпдир. Жанубий районлардаги ва Мирзачўлдаги илғор хўжаликлар ҳар гектар ердан 400-500 центнер кўк масса йиғиштириб олмоқдалар.

Бу йил қарийб 150 минг гектар сугориладиган майдонда маккажўхори етиштирилди. Деҳқонлар етиштирган мўл ҳосил табиий ўтлар билан бирга 3 миллион тоннадан кўпроқ силос бостириш имконини беради. Бу эса, чорва молларнинг тўқ қишловини, мўл сут соғиб олишни таъминлайди.

Ҳосилни тез ўриб-йиғиб олиш иккинчи марта экин экиш ва қўшимча суратда силос ҳамда кўк озуқа олиш имконини беради. (ЎзТАГ).

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Хайрли иш

Чимкент области Мankент автобазасининг шофёри Шомурод Иброҳимов Тошкент қурилишида ишлаб юриб, машина бошқариш ҳуқуқига эга деган ҳужжати, 50 та лотерея, бир тонна бензин олиш учун берилган талони ва бир неча кун муддатга берилган путёвкасини ва 200 сўм пулини йўқотиб қўйди.

У шунча нарсасини йўқотиб, ташвиш тортиб юрганида Автобазага телеграмма келди. «Ўртоқ Иброҳимов сиз билан бир учрашсак» дейилган эди унда. Иброҳимов телеграммада кўрсатилган адрес бўйича Тошкентга келди ва ҳамкасби Турғун Юсуповни қидириб топди. Турғун ака Киров районидаги Озерная кўчаси, 17-уйда истиқомат қилар экан.

— Йўқолган нарсаларингизни топиб олиб, кабинамчинг ойнасига осиб қўйдим, ўзингиз кўриб қоларсиз деб гумон қилдим. Бир ой ўтгач, путевкангиздаги адресингизга қараб телеграмма бердим.

Бир-бирини танимаган икки хаммасб эски дўстдек бўлишиб кетди.

Т. ЮЛДОШЕВ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ҚАЙТА ТИЛГА КИРГАН ОДАМ

Йигирма тўрт йилдирки, у дилидагини тилига чиқара олмас, бир калима сўз айта олмас эди. Тилдан қолган эди...

Йигирма тўрт йилдирки, у на бир куй, на бир қўшиқ, на бир инсон овозини, ҳеч нарсани эшитмас эди. Кар бўлиб қолган эди...

Бу дардни у ўша машъум уруш-дан орттириб келганди.

Энди мана, йигирма тўрт йилдан кейин у бамисоли онадан қайта туғилди. Бир йўла ҳам тилга кириб, ҳам қулоқлари очилиб кетди. Ўз-ўзидан! На дори-дармонсиз! На операциясиз! Ҳеч кутилмаганда!

Йўқ, бу тасодиф ҳам эмас. Уруш унинг бошига бахтсизлик келтирган эди, тинчлик, осойишта ҳаёт эса, унга бахт ато қилди.

У илгари тракторчи эди. Кейин танк миниб урушга кетди. 3-Украина фронтига қарашли 922-полкнинг 8. танк дивизиясида танк бошқариб, қанчадан-қанча оловли уруш йўлларини босиб ўтди. У душманга кун бермай уни тириқтириб қувиш ишқибози бўлиб қолганди. Лекин Смоленск бўсағасида фалокат рўй берди.

Ҳужумга ўтган танилар колоннаси сайхонликка чиқиши билан душман самолётлари тепадан бомба ёғдира кетди. Охунжон Иброҳимов бошқариб бораётган танк бирдан қаттиқ силкинди-ю, тақа-тақ тўхтади-қолди. У бурқсиб бораётган танкдан ўзини ташқарига олиб улгурганини билади. Яқинига яна бомба тушиб, уни иткитиб юборди. У эс-ҳушини йўқотди.

Нима бўлганини кейин билди. У тупроқ остида қолиб кетган экан. Санитарлар жанг майдонидан ўтиб бораётиб бехосдан ердан чиқиб турган шинель пешини кўриб қолиб, уни қазиб «нариги дунёдан» қайтариб олишибди. У госпиталда ҳушига келди. Лекин на бирор тиқ этган товушни эшитар, на дилидагини тилига чиқара олар эди. Кар ҳам соқов бўлиб қолган эди...

Йўқ, у бир умрга бахтсиз бўлиб қолмаган экан. Охунжон ака-ни Лоғонга олиб келиб қўйиб кетган докторнинг гапи рост чиқди. У «тинчлик-омонлик бўлса дарди ариб кетса ажабмас» деганди. Айтгани келди. Тинч-осойишта ҳаёт Охунжон акага яна бахт ато қилди...

Лоғонга қайтгандан кейин Охунжон аканинг овунчоғи меҳнат бўлиб қолди. У ҳамма аччиғини ишдан олиб, шу билан таскин топа бошлади. Ўзи ҳам қорачадан келган, қотма, бир кўришда умри далада ўтган деҳқон дейсиз. Ёши аллик еттига борибди. Лекин ҳали бардам, тиниб-тинчимайди. Бундан бир неча йил олдин қоқ-қуруқ тошлоққа чайла тиккиб чиққан экан. Энди унинг ўрнида ажойиб катта боғ кўрасиз. Анорлар қийғос гуллаб, токлар шиғил шўра олиб, ўрик-олмалар бошини егудек ҳосил тукнан. Асаларилар тиним билмайди, учиб кетиб учиб келади. Охунжон ака колхознинг саксон беш яшик асаларисини боқиб беряпти.

Унинг қўлга ўргатилган бир «гапдон» майнаси ҳам бор. У Охунжон акадан ҳеч кари кетмайди, атрофида парвона бўлиб гужурлаганм-гужурлаган. Эгасини «гапга тутгани-тутган».

— Мени қайта тилга киритиб, гапиртириб юборган ҳам шу майна бўлди, — деди Иброҳимов қушни кўлидан қўймай, — аввалига бу майнани эрмакка боқиб юргандим. Ахийри «гапга тутавериб» гапиртириб юборди...

Аввалари Охунжон ака баъзи сўзларни топа олмай сал тутилиб қолаётган экан. Энди у бинойидек эшитиб, бинойи гаплашяпти. Ҳеч дард кўрмагандек бўлиб кетган. Беш боланинг отаси Охунжон ака биз билан хайрлаша туриб:

— Ишқилиб болаларимизнинг бахтига тинчлик-омонлик бўлаверсин. Шунинг ўзи инсон боласига катта бахт, катта давлат, — деди.

У ҳақ гапни айтди.

М. МАНСУРОВ.

«Совет Ўзбекистони» мухбири, Фарғона районидаги Навоий номли колхоз.

СПОРТ янгиликлари

СПАРТАКИАДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Киев шаҳрида Ленин комсомоли 50 йиллигига бағишланган спорт ўйинлари бўйича спорт ўспиринларнинг биринчи Бутуниттифоқ Спартакиадаси давом этмоқда.

Ўзбекистоннинг стол усти теннисчилари 16-ўринни эгаллади.

Енгил атлётикачилар 11-ўриндан 10-ўринга ўтишга муваффақ бўлдилар.

Евгений Екименко уч ҳатлаб сакрашда 14 метр 46 сантиметр масофага сакраб республика рекордини қўйди ва 2-ўринни олди.

Ольга Каргина ядрони 11 метр 86 сантиметрга ирғитиб, 4-ўринни эгаллади.

Вячеслав Годик узунликка сакраш бўйича ўтказилган мусобақада 6 метр 97 сантиметрга сакраб, мукофотли 6-ўринни олди.

4Х100 масофани эстафета югнуви бўйича ўзбекистонли ўспиринлар призли 6-ўринни олдилар.

Қўл тўпи бўйича спортчи йигитларимиз ва қизларимиз мағлубиятга учрадилар. Йигитлар литвалиқларга 20:31, қизлар эса арманистонлик спортчиларга 10:11 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Эркин кураш бўйича учта спортчимиз жанг олиб бораётирлар. Команда ҳисобида улар 8-ўринни эгаллаб турибди. Колхоз футболчилари 19 ўйиндан кейин 23 очко тўпладилар.

Бугун ўнта шаҳарда навбатдаги тур ўйинлари бўлади. «Политотдел» ўз майдонида Ашхободнинг «Строитель» командаси билан учрашади. Пешқадам «Иртиш» Улан Удада «Селенга» меҳмони бўлади. Кучлилар қаторидан ўрин олиб турган Фарғонанинг «Нефтянник» коллективи эса Томлесда «Торпедо» билан беллашади.

СЎНГГИ ТУР

Бугун «А» класси иккинчи лигаси тўртинчи кичик группаси қатнашчилари биринчи даврага якун ясайдилар. Чемпионатнинг ярмини Омскнинг «Иртиш» футболчилари пешқадам бўлиб тугатишяпти. Бу команда сўнгги тур олдидан 28 очкога эга. Тошкент областининг «Политотдел» командаси эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Колхоз футболчилари 19 ўйиндан кейин 23 очко тўпладилар.

Бугун ўнта шаҳарда навбатдаги тур ўйинлари бўлади. «Политотдел» ўз майдонида Ашхободнинг «Строитель» командаси билан учрашади. Пешқадам «Иртиш» Улан Удада «Селенга» меҳмони бўлади. Кучлилар қаторидан ўрин олиб турган Фарғонанинг «Нефтянник» коллективи эса Томлесда «Торпедо» билан беллашади.

СОВЕТ БАСКЕТБОЛЧИЛАРИ ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

Италия шаҳрида баскетбол бўйича ўтказилган Европа чемпионати тугади. Совет баскетболчилари 9 та учрашув ўтказиб ҳамма-сида ғалаба қозондилар ва тўқ-қизинчи марта нитъа чемпиони деган номни қўлга киритдилар.

Совет баскетболчилари 11 мар-та ўтказилган бундай мусобақа-нинг 10 тасида қатнашдилар ва атиги бир марта ғолиблиги бе-риб қўйишди. Бу 1958 йили рўй берган эди. Ушанда совет спорт-чилари финалда Болгария баскет-болчиларига ютқазиб қўйишган эди.

Европа чемпиони деган юксак номни қўлга киритганлар орасида тошкентлик баскетболчи Ровила Салимова-Прокопевко ҳам бор.

ИТТИФОҚДА ИККИНЧИ

Тошкентлик боксчилар В. Белинский билан Б. Ниёзовлар ўз вазнларида Иттифоқда энг кучлилардан саналади. Бу икки боксчи Ленинакан шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилигида қатнашиб, фахрли иккинчи ўрин-ни олишди ва кумуш медаль билан тақдирланишди.

Ш. АКБАРОВ.

ЯНГИ ДАМ ОЛИШ БАЗАЛАРИ

Узбекистон Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ишчи ва хизматчилари учун Троицкое посёлкасида қурилган янги дам олиш уйи отпускага чиққанларнинг дастлабки группасини қабул қилди. Бу ерда ётоқ корпуси, ошхона, чўмилиш учун ҳовуз, спорт майдончаси бор. Электр станциялар ва электротехника саноати ишчилари касаба союзининг бу учинчи шифохонаси республика Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ажратиб берган маблағ ва корхоналарнинг фондидан тушган маблағ ҳисобига қурилди.

Иссиқкўл соҳилида «Узбекгидроэнергострой» трести ишчи ва хизматчилари учун, Чорвоқ сув омбори районида Тошкент ГРЭСи коллективи учун янги дам олиш базалари барпо этилмоқда.

Андижон, Бухоро ва Сурхондарё областлари энергетика корхоналарининг ходимлари учун шифохоналар қуриш лойиҳалаштирилмоқда. (ЎзТАГ).

Раҳмат ФАИЗИЙ.

ҲАЗРАТИ ИНСОН

(РОМАНДАН ПАРЧА).

— Нафасингизни иссиқ қилинг, карвон. Ахир хизмат бўлгандан кейин вақти бор, соати бор...

— Бе-е... Биласиз-ку ишимни., Ҳамма вақт ялло. Ўзим хон, қўланкам майдон, қани, носни олинг, пастрғидан чекар экансиз-а, уста Бояғси жиз этмадиям-а.

Маҳкам ака чўнтагидан носковоқни олар-кан, ҳайрон бўлиб аравадаги юкка тикилди.

— Ашуртой ака, аравадаги нима ўзи?

— Уста, мен сизни содда деб юрардим, анча қув экансиз-а. Билиб билмасликка оласиз-а, товба, — деди Ашуртой ака кафтидаги носвойни оғзига ташлаб. Кейин носковоқ оғзини пахталик устидан қилиб олган қора халатига артди. Буни кўриб бусиз ҳам фиғони чиқиб турган Маҳкам аканинг таъби тирриқ бўлди.

— Қизиқ гап қилдингиз-ку, бу нима деганингиз? — деди зўрға ўзини босиб Маҳкам ака. У Ашуртой аканинг наша чекиши, ичкилик ичишини яхши биларди. «Агар ич-ган бўлсанг, кучала аган жойингга бориб тириш» демокчи бўлди-ю, айтмади.

— «Ахир мени кеча таниганингиз йўқ, нима қилишимни жуда яхши биласиз-у, тағин нега ўзингизни гўллиққа соласиз?

— Худо ҳақи, ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. Шифохонада ишлашингиздан бўлагини билмайман.

— Шунақа денг, — Ашуртой ака жаҳл билан арава устидаги чодирни очиб юборди.

— Мана менинг ишим... Уруш бошланиб, бозорим чаққон бўлиб қолган, уста.

Маҳкам ака аравага қаради-ю, дабдурустдан нималигига тушунолмади, кейин фаҳмига етиб, кўрқиб кетди. Кетма-кет кўкрагига тупириб қўйди. Биров уни ҳозир, «Жиноятга шериксан» деб ёқасидан ушлаб олаётгандай ёни-верига алангланди.

— Соддалигингиз рост экан, уста, — де-ди Ашуртой ака ва одамлар кўзи тушмасин деб чодирни ёпиб қўйди.

Маҳкам ака ичидан келган титроқни ҳа деганда босолмади. Олдида ҳозир аравакаш Ашуртоймас, инсонлик қиёфасини йўқотган беҳаҳм одам тургандай эди. Шунча йил таниши, мижози бўлган бу одамни шу вақтгача билолмаганидан ўзини ўзи қойир, гуноҳкор ҳисобларди.

— Юракдан ҳам худо берган экан-ку, уста. Бунчалигини билганимда айтмасдим... — Ашуртой ака боягига ўхшаб ўзини тутолмай кулиб юборди. Оғзидаги носвой сўлакларига қоришиб, тарнов карнайидан отилган ёмғирдай атрофга, Маҳкам аканинг юзлари, кийимига, эшак устига сачради. Жон ҳолатда енги билан юзларини арт-ган Маҳкам ака, жеркиб берди:

— Кулманг-е, Ашуртой ака!

— Нима, бўлмаса...

— Бўлди, бўлди, — деди Маҳкам ака бе-тоқат бўлиб, — хай, менам борай, — қўлини силтаб шундай деганича хайрлашмади ҳам, ёнига ўгрилиб, йўлка томонга юрди. Унинг орқасидан қараб қолган Ашуртой ака ўзича гапирарди:

— Оббо уста-ей. Оббо тақачи-ей... чумчуқ пирр этса, ичлари ширр этаркан-ку.. От, от-га та қо-қоқ!.. — дея ёш болаларга ўхшаб, бепарво алифбони такрорлаш-да, қўлига қамчини олди. Дастаси билан эшакни ниқтади. — қих, қих-е, ҳаром ўл-гур, қирчанги, юр, кетдик!..

Кўчага бирга чиққанида йўл-йўлакай одамларга учраб, эрининг ушланиб қолиши ҳар гал ғижиниши келтирадиган Меҳринисса бу safар аптеканинг эшиги ёнида ўз хаёли билан ўзи сервар бир нуқтага тикилиб турарди. Вокзалда кўрганлари хаёли-ни бир ёққа олиб қоча, эрталабки хат, унинг ҳар бир сатри кўз олдида намоён бўларди. Эрига нима дейишни, хатни кўрсатиш-кўрсатмасликни ўйларди. Унинг ҳолатидан бехабар Маҳкам ака ёнига яқин. лашар экан, «Ҳозир, шу одатингиз қолмади-да», деб ачитадиёв...» дея кунглидан ўтказди-да, хотинидан олдин ўзи гап бошлади:

— Шўрлик аравакашнинг ҳам хасратидан чанг чиқаётибди. Ҳамма ҳамма билан у фронтга юборган отини ўйлайди, товба.

— Кетликми? — деди Меҳринисса эрининг гапига парво қилмай.

— Қани, юр! — «Нечук индамади?» Ҳайрон бўлди Маҳкам ака.

Улар трамвайга чиқишди. Маҳкам акага хотининг ҳозир ҳеч нима сўрамагани айни муддао эди. Сўраса, бўлган гапларни айтиб берса... Йўқ, йўқ, ўзи бўлганича бўлди, энди хотининнинг юрагини ёвуштириб нима қилади.

Трамвайдан тушишганда «Меҳри, сен кетабер, яхшиси мен қайси детдомдалигини суриштириб, аниқлаб борай» деган эди. Меҳринисага ҳам маъқул тушди. Кўчанинг нариги бетига ўтиб, йўлкадан оҳиста одим ташлаб уй томонга кетди. Нима деса хотини индамай кўнаётганига ҳайрон бўлган Маҳкам ака, ҳеч нарсага ақли етмай орқасидан тикилганча шу ерда қолди.

Маҳкам ака қабристон дарбозаси олдига келди. Анча турди. Анчадан кейин узоқдан эшак арава кўринди.

— Э, уста, — деди бир неча қадам нариданқ уни кўриб Ашуртой ака, —ҳазиллашдингиз десам..

— Ҳазиллашадиган ишми бу, — унинг гапини бўлди Маҳкам ака, — капкатта одам... Дийдангиз мунча қаттиқ?

— Хўп, хўп дедим-ку уста, — Ашуртой ака қўлини кўксига қўйиб, энсаси қотиб шундай деганини Маҳкам ака пайқамади, аслида у «бефарзанд одам қачондан буён болажон бўлиб қолдилар-а» деган фикрни дилидан ўтказган эди, хозир.

Ашуртой ака аравани ичкарига бошлади. Маҳкам ака арава ортида борарди. Кенг қабристоннинг ўртасидан кесиб ўтган, ёни-верига дарахтлар ўтказилган йўлдан юриб, нариги чеккасига чиқишди. Бу ерда сағаналар анча сийрак, ундан нарироғи ялангликка эди. Маҳкам ака ёни-верига аланг-лаб, қазилган қабрни кўрмади. Ҳайрон бўлиб сўради:

— Ҳали қазилмаганми?

— Ким қазирди, уста. Зап қизиқ гапни айтдингиз-ку, — деди дўриллаб Ашуртой ака, — қазийдиганам ўзим, гумдон қила-диганам... Ишимиз шу!.. Кихх... Тўхта, ҳаром ўлгур шу ерга қазисаи ҳам бўлар-а. Нима дейсиз?

— Маъқул, — деди «гумдон қилиаман» деганидан ғазабланиб турган Маҳкам ака.

Ашуртой ака, қамчинини ташлаб, кетмон олиб келгани гобутхонага кетди. Маҳкам ака, эгнидаги тўнини ечиб, белбоғи билан қўшиб, дарахт айрисига ташлади-да, ара-ва ёнига борib, устидаги чодирнинг бир чеккасини очди. Оқ чойшабга ўралган учта катта-кичик юмалоқ ёстиқ бима-ён ётарди. «Шўрликлар Бу дунёдан сенларга охорлик кафан ҳам насиб қилмадими? Ноинсофлар тутилмаган чойшабга ўрашса нима қилар-ди?.. — кўзига ғилт-ғилт ёш келди, — эй худо. Не кўргулик бу! Пешанамга зурриёд ато қилмаганингга яраша шу ёшга келга-нимда олдимга учта ўғлининг мурдасини кўриб, уларга гўрковлик қилгин деганинг нимаси?— чеккадагисининг юзини оҳиста очди, нкки яшар чам[illegible]лаги ўғил бола сочлари, қошлари қо[illegible]ра, юзлари чойшабдай оппоқ. Оғзи [illegible] ча лаби осилиб қолибди. Энга[illegible] та кўтарди, оғзини юмди, кўз ёшлар[illegible] дона бўлиб чойшабга тушди. — яхш[illegible] борib, кафан олиб келиб бошнатдан [illegible] шундай фикр ўтди-ю, яна ўзини б[illegible] мурданинг пешанасини, юмуқ кўзла[illegible] бошини силади, ич-ичидан алам [illegible]

— Ёшлигингизда ишлаганингизмисиз? — Ҳа, ишлаганман, ишлаганман, — ҳаяжонланиб кетди Маҳкам ака. — Ҳаммасини ишлаганман. Ҳаммасини ишлаганман. Ҳаммасини ишлаганман.

Турли мамлакатларда

ВДР ВА АҚШ ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА РАСМИЙ СУҲБАТ

ПАРИЖ, 17 июль. (ТАСС) Бугун Парижда Вьетнам Демократик Республикаси билан АҚШ вакиллари ўртасида 13-расмий суҳбат бўлиб ўтди. ВДР делегациясига бошчилик қилаётган Суан Тхюи бетоблиги сабабли Вьетнам делегацияси номидан Хан Ван Лау сўзлади. У суҳбатда Суан Тхюининг барвақт тайёрланган баёноти текстини ўқиб берди.

Суан Тхюи баёнотида Женева битимлари имзоланганлигининг йиллиги тўғрисида гапирилади. Мазкур битимлар имзоланганидан бери ўтган 14 йил, дейилади баёнотда, бир-бирларига зид икки сиёсий йўлнинг кураши билан нишонланди: Бу томондан, Вьетнам халқи ва ВДР ҳукумати битим шартларига доимо риоя қилиб, уни бажариб келган ва иккинчи томоннинг ҳам шундай қилишини талаб этган бўлса, иккинчи томондан — АҚШ ва унинг Жанубий Вьетнамда ҳокимият тепасига чиқариб қўйилган турли қўғирчоқ ҳукуматлари мазкур битимларни қўпол ва мунтазам равишда бузиб келдилар.

Баёнотда битимлар муфассал анализ қилиниб, Америка тарафи бу битимларни доимо бузиб келаётганлиги кўрсатиб берилади.

Вьетнам вакили ВДР ҳукумати олға сурган тўрт пункт 1954 йилги Женева битимларига асосланганлигини кўрсатди. Фақат ВДР ҳукумати тутган позицияга суяниб ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг сиёсий программасига суянибгина реал мустақиллик ва озодлик билан чамбарчас боғланган чинакам тинчликка эришмоқ мумкин. Аксинча, Америка тарафининг ҳар қандай сохта гаплари агрессив урушни давом эттиришни мақсад қилиб қўйган Америка найрангларини ниқоблашга қаратилган. Сувнинг ўтга муносабати қанақа бўлса, АҚШнинг Женева битимларига бўлган муносабати ҳам худди шундай.

Америка делегациясининг бошлиғи махсус топшириқлар бўйича элчи А. Гарриман ВДР баёнотига оғзаки жавоб қайтариб, сўнгра, ўз баёнотини ўқиб эшиттирди.

Гарриман Қўшма Штатлар Женева битимларини бузаётганлигини қатъий рад этди. Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукуматига бўҳтон ёғдириб, Женева битимлари бузилаётганлиги учун айбни ВДР зиммасига ағдарди.

Гарриман Вьетнам томони қўяётган талабларнинг моҳиятини яна четлаб ўтиб, АҚШ «пайти келганда» ва «тўғри келадиган шарт-шароитларда» бомбардимон қилишни тўхтатишга тайёр туражагини айтди.

ВДР делегациясининг аъзоси Хан Ван Лау Гарриманга жавоб қайтарар экан, АҚШ Женева битимларини биринчи бўлиб бузганлигини, биринчи бўлиб Вьетнамга ҳужум қилганлигини эслатиб, АҚШнинг «ҳар икки томон бир-бирига ён босиши лозим»лиги тўғрисидаги тезисини рад қилди.

Утган расмий суҳбатлар чоғида Америка делегацияси ҳеч қандай конструктив таклиф тақдим қилгани йўқ, деди у.

Вьетнам халқи, деди Хан Ван Лау, курашни давом эттиришга қаттиқ бел боғлаган ва агрессор устидан ғалаба қозонмоқ учун зарур ҳамма нарсаларга эга.

Навбатдаги расмий суҳбат 24 июлда бўлади.

Шарқий Африкада жойлашган Уганда давлатининг пойтахти Кампала шаҳри кўчаларида. Газетанинг янги сони ҳозиргина олиб чиқилди. Йўловчилар янгиликларни баҳам кўришяпти.

Д. Мамлеев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Болгария Халқ Республикаси. Қора денгиз бўйида жойлашган Толбухин округидаги Тюленово қишлоғи қошида Болгариянинг «Трансстрой» корхонаси бинокорлари ва совет мутахассислари мамлакатда денгиз тубидан нефть қазиб чиқарадиган биринчи кўприк эстакадни монтаж қилишни тугалладилар.

БТА—ТАСС фотоси.

ВЬЕТНАМДА ХИМИЯВИЙ УРУШ

ЛОНДОН, 17 июль. (ТАСС). Америка ҳарбий қўмондонлиги Жанубий Вьетнамда химиявий урушни «ғоят кучайтириш ниятидадир». «Дейли телеграф» газетасининг Сайгон мухбири шу тўғрида ёзади. Унинг мақоласида бундай дейилган: «Ўсимликларни йўқ қилиб юборадиган турли химиявий моддалар самолёт ва вертолётлардан ташланганлиги натижасида бепоён ўрмон, чакалакзор, дашт, ботқоқ жойлар ва шолипоялар» чўлу-биёбонга айланиб қолди.

Газетанинг ёзишича, АҚШ мудофаа министрлиги 1967—1968 йилда Жанубий Вьетнамда ишлатиш учун мўлжалланган гербицидлар учун ажратилган маблағлар миқдорини 1965—1966 йилдагига нисбатан уч баравардан зиёд кўпайтирган.

Америкаликлар ватанпарварларнинг қўққисдан зарба беришига йўл қўймаслик учун уриниб, Америка базалари теварагидаги, тош йўллар ва сув йўллари атрофидаги, ўсимликларнинг ҳаммасини йўқ қилмоқдалар. Шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучлари жангчиларини таъминлаш учун экилмоқда, деган баҳона билан бу экинлар йўқ қилинмоқда. Америкаликлар заҳарли моддаларни ишлатганликлари натижасида кўп дарё ва каналлардаги балиқлар нобуд бўлмоқда ёки заҳарланиб қолмоқда.

«Дейли телеграф» газетасида босилган мақоланинг автори бундай деб ёзади: Заҳарли моддаларни кенг кўламда ва кўп пуркаш Жанубий Вьетнамдаги ўсимликлар, жониворлар ва кишиларга жуда ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Мақоланинг автори америкалик мансабдор шахсларнинг гапларига асосланиб, гербицидларнинг ишлатилиши Вьетнамдаги урушда «янада кучлироқ химиявий моддалардан фойдаланишга олиб келиши мумкин», деб хавфсираганлигини билдиради.

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг муваффақиятлари

ХАНОЙ, 17 июль. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари Митхо вилоятида 31 январдан буён бўлган жанглар вақтида душманнинг 16 минг солдат ва офицерини, шу жумладан 2400 америкалик ҳарбий хизматчини сафдан чиқарганлар ҳамда юзлаб ҳарбий машина ва кемаларни яксон қилганлар.

«Нян зан» газетаси Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг Меконг дельтасида эришган муваффақиятларига бағишланган бош мақоласида ана шуларни хабар қилиб, бундай деб ёзади: Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари фақат 16 июндагина ана шу вилоятда душманнинг 1500 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар.

ИРОҚНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

БАЙРУТ, 17 июль. (ТАСС). Бағдод радиосининг хабар беришича, Революцион қўмондонлик кенгаши бугун генерал Аҳмад Ҳасан Бакирни Ирок Республикасининг президенти қилиб сайлади.

1963 йилда генерал Бакир қисқа муддат мобайнида икки марта бош министр лавозимини эгаллаган, 1963 йилнинг ноябридан 1964 йилнинг январигача Ироқ вице-президенти бўлган.

АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ ОЗОДЛИК КОМИТЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ЖАЗОИР, 17 июль. ТАСС мухбири В. КОРЗЕЛЕВ хабар беради: Миллатлар саройи биносининг пештоқида Африкадаги бир қанча мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Африка бирлиги ташкилотининг Озодлик комитети Жазоир пойтахти атрофида ўзининг 13-сессиясига тўпланди.

Комитет ишида Жазоир, Конго (Киншаса), Эфиопия, Гвинея, Нигерия, Уганда, Бирлашган Араб Республикаси, Сенегал, Сомали, Танзания ва Замбия вакиллари қатнашмоқдалар. Африка бирлиги ташкилотининг махсус органи Озодлик комитети ўз составига кирган давлатларнинг миқдорига қараб «11 лар комитети» деб ҳам аталади. Бу комитет мустамлакачилик ва империализмга қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашда Африкадаги миллий-озодлик ҳаракатига ёрдам бериши керак.

Комитет ҳозирги сессиясининг кун тартибида турли миллий-озодлик ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб олиб бориш ва миллий-озодлик ҳаракатларига ёрдам бериш масалалари турибди. Сессия қатнашчилари ҳали ҳам мустамлакачилик ва ирқчилик зулми остида азоб чекаётган Африка халқларининг озодлик йўлидаги курашини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш йўллари ва воситаларини қараб чиқадилар.

Комитет сессиясини очиш вақтида Жазоир Революцион Кенгашининг раиси Ҳуари Бумиддин нутқ сўзлади.

Жазоир давлатининг бошлиғи Африкадаги бир қанча мамлакатларнинг халқлари мустамлакачилар зулми остида қолаверар экан, Африка ўзини суверен қитъа деб хисоблай олмайди, деди.

«11 лар комитети» мажлислари ёпиқ ўтказилмоқда.

ГЕРМАН—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ МАЖЛИСИ

БЕРЛИН, 18 июль. (ТАСС). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги байрамидан кейин ўтган қисқа давр мобайнида Герман — Совет дўстлиги жамиятининг активлиги янада ошди, унинг оммавий-сиёсий ишлари янада таъсирчан бўлиб қолди. Герман—Совет дўстлиги жамияти марказий правлениеси секретариатининг раиси Курт Тиме ана шундай деди. Ҳозир жамият сафларида 3,6 миллиондан ортиқ аъзо бор. К. Тиме жамият марказий правлениесининг кеча Берлинда бўлиб ўтган мажлисида жамиятнинг округ конференциялари якунлари ва жамият олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

У айтдики, ўтган йилнинг ноябридан бери жамият сафларига 283 мингдан ортиқ киши аъзо бўлган, 1300 янги бошланғич ташкилотлар, совет ишлаб чиқариш ва илмий тажрибасини ўрганадиган 230 тўгарак, рус тили ўрганиладиган 130 тўгарак ташкил этилган. Республика саноати ва қишлоқ хўжалигидаги 1900 коллективга «Герман — Совет дўстлиги коллективи» деган фахрий ном берилган.

Жамиятнинг бўлиб ўтган конференциялари, деб таъкидлади К. Тиме. СССР билан дўстлик ва жанговар иттифоқ ифодасига айланиб кетди. Жамият бошланғич ташкилотларининг йиғилишларида, шунингдек шаҳар, район ва округ конференцияларида жамият аъзоларидан икки миллионга яқин киши ва 140 мингга яқин меҳмон қатнашди.

К. Тиме доклади муҳокама қилинганидан сўнг, Герман—Совет дўстлиги жамиятининг раиси, профессор И. Дикманга сўз берилди. У, жамият марказий правлениесининг аъзоларига мурожаат қилиб, саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли жамиятнинг раиси ва жамият марказий правлениеси президиумининг аъзоси вазифаларидан озод этишларини илтимос қилди.

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Э. Мюккенбергер ўз нутқида И. Дикманнинг жамият раиси лавозимида турган даврдаги фаолиятига юксак баҳо берди.

Марказий правление жамият марказий правлениеси президиумининг аъзоси доктор Л. Больцни якдиллик билан Герман—Совет дўстлиги жамиятининг раиси қилиб сайлади.

Либерал демократик партия раиси, доктор М. Гердах жамият марказий правлениеси президиумининг аъзоси қилиб сайланди.

Пировардида сўзга чиққан Л. Больц Герман—Совет дўстлиги байроғини баланд кўтариб бормоқ учун қўлимдан келган ҳамма куч-ғайратимни сарфлаяжакман, деб ишонтирди.

ҲИНДИСТОНДА СУВ ТОШҚИНИ

ДЕҲЛИ. Кучли муссон ёмғирлари Ҳиндистоннинг олти штатида сув тошқинига сабаб бўлди. 90 га яқин киши ҳалок бўлди ва ярим миллион киши бошпанасиз қолди. Минг-минглаб уйлар вайрон бўлди, кўп жойларда қишлоқ хўжалик экинлари сув остида қолди. Темир йўл ва автомобиль қатнови бузилди. Тошқин натижасида Ражастхан, Ғарбий Бенгалия ва Керала штатлари айниқса кўп зарар кўрди. Ражастхан штатининг бир ўзидагина сув тошқинидан тўрт миллион рупиялик зарар кўрилди.

(ТАСС).

«ОҚ КИТОБ» ЯПОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТУРМУШИ ТЎҒРИСИДА

ТОКИО, 17 июль. (ТАСС). 1967 йилда Японияда истеъмол молларининг нархи яна 4 процент ошди. Гуруч, сабзавот, балиқ ва бошқа озиқ овқат маҳсулотларининг нархи айниқса кўтарилди. Шу ҳақдаги маълумотлар Япониядаги иқтисодий планлаштириш бюросининг бугун Япония матбуотида эълон қилинган «Оқ китоби»да келтирилади. «Оқ китоб»да япон халқининг 1967 йилдаги турмуш даражаси ҳақида гапирилади. Утган йили, дейилади «Оқ китоб»да, темир йўл ва шаҳар транспортида қатнаш ҳақи ҳам орта борди, почта тарифлари қимматлашди.

Иқтисодий планлаштириш бюроси япон халқининг ўтган йилги турмуш даражасига доир статистика маълумотларини келтириб, майда ва ўрта корхоналарда (бундай корхоналар Япониядаги барча корхоналарнинг учдан икки қисмини ташкил этади) ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи аввалгидек паст даражада бўлганлигини эътироф қилади. «Оқ китоб»да япон халқи турмушининг бошқа баъзи ноқулай шароитлари, шу жумладан, халқнинг уй-жой билан ёмон таъминланганлиги, шаҳарларнинг ноободлиги ва япон қишлоғида меҳнатнинг оғирлиги ҳам кўрсатиб ўтилади.

«Оқ китоб» миллионларча япон меҳнаткашларининг турмуши яқин келгусида яхшиланишидан далолат бермайди, бундан ташқари, ҳукумат гуруч нархини янада оширмоқчи бўлаётган ҳозирги шароитда иқтисодий планлаштириш бюроси бошқа ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларнинг нархи тобора кўтарилади, деб таъкидлайди.

Ҳ А Р Т Ў Ғ Р И Д А

АКУЛА ҚАЕРДА УХЛАЙДИ?

Денгиз ва океанларда акула балиқларнинг бир тури — улкан акула яшайди. Унинг узунлиги 10 метрга яқин, оғирлиги 4 тоннагача етади. Улкан акулани ёз ойларида Атлантик океанининг Европа минтақасига туташ қирғоқларида учратиш мумкин. У сув юзасида ҳам сузаверади.

Одатдаги кўк акулалардан фарқли ўлароқ, бу акула хавфли эмас. Оғзида катта тишлари йўқ. [illegible] озуқа қидириб, бир соат ичида [illegible] 150 тоннагача сувни ўтка[illegible] оғирлиги бир тоннага яқин.

Кузда улкан акулалар қирғоқлардан денгизларнинг ўртасига сузиб кетишади. Лекин уларнинг қаерда ухлашини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ. Улкан акула ухлаш учун денгизнинг чуқур жойларига сузиб кетса керак.

САТУРН ЙЎЛДОШИ

Атоқли француз астрономи Д. А. Доллфус яқинда Сатурн атрофида янги йўлдошни аниқлади. Унинг номини Янус деб аташди. Агар Януснинг топилгани аниқ бўлса у планетага энг яқин йўлдошдир. Януснинг айланиш муддати 18 соатга тенг. Орбитасининг диаметри 350 минг километр. Америкалик астроном Пикерин ҳам буни тасдиқлади.

КОСМИК ВАКУУМ ХАВФЛИМИ?

Агар космик кеманинг кабинети ишдан чиқиб, космонавтнинг костюми бузилса у вакуумда қанча вақт яшай олади?

Ана шу масалани ўрганиш учун АҚШ олимлари тажриба ўтказишди. Маймунлар 50 минг метр баландликда вакуумда синаб кўрилди. 3-5 минут давомида уларнинг миясига бирор сезиларли зарар етмади. Лекин мияниғ бутун фаолиятини қайта тиклаш учун қарийб 4 соат вақт кетди. Бу тажриба космосда космонавтлар аварияга учрашса улар қандай ҳаракатлар қилишини олдиндан ўрганиш учун ўтказилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Халқ талантлари концерти, 9.30 — Куйлардан-куйларга, 10.30 — Бахтиёрлик ҳақида куйлаймиз, 11.15 — «Гулшан» (адабий-музикали эшиттириш), 12.15 — Талабларга мувофиқ концерт, 13.30 — Д. Россини операларига увертюралар, 15.10 — «Правда» газетасининг обзори, 15.20 — «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали 15.40 — Ўзбек куйларидан концерт, 16.10 — Эстрада концерти, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.00 — Музикали глобус, 18.40 — Спорт, 19.20 — Область театрлари артистларининг концерти. 20.00 — «Гулшан» (такрорий эшиттириш), 21.00 — «Қардош социалистик мамлакатларда», 21.10 — «Қишлоқ радиоклубида», 22.20 — «Шанба оқшомида» (концерт), 23.10 — Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 10.00 — **Шанба, нонуштадан сўнг**, 10.40 — **Серёжа** (бадиий фильм), 11.55 — **Соғлом танда соғ ақл** («Ёшлик» кўрсатади), 12.30 — **Лапарлар ва термалар** (концерт).

13.00 — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 19.00 — **Қувноқ минутлар** (болалар учун), 19.30 — **Телеянгиликлар** (рус ва ўзбек тилларида), 19.55 — **Ғазалхон ёшлигим** («Ёшлик» кўрсатади) 20.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

21.00 дан — **Москва кўрсатади**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан — **Москва кўрсатади**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.00 — **Шанба, нонуштадан сўнг** (такрорий эшиттириш), 21.40 — **Коммунист минбари**, 21.55 — **Хоинлик** (бадиий фильм), 23.20 — **Совет Шарқи мақомларидан концерт.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

КИНО

Сирли халат (эрталаб соат 10 да), **Фантомас Скотланд — Ярдга қарши** (кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 да): — САНЪАТ САРОЙИ.

Деразадаги қиз — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳиндлар суянчиғи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жонсараклар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун)

ЁЗГИ БИНОДА

Ганга ва Жамна — НАВОИЙ номли.

Жонсараклар — «РАКЕТА», «ХИВА».

Меҳнат Қизил Байроқ Орденли «Ташсельмаш» заводи базасидаги

14-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1968—1969 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликка

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича токарлар, механик-йиғув ишларига слесарлар, счёт-хисоблаш тузатиш ва фойдаланиш ишлари бўйича механик, саноат жиҳозларини тузатиш бўйича слесарь, газ ва электр пайвандчи (дипломли). саноат электр жиҳозларини тузатиш бўйича электрослесарь. темирчи. қуювчи формовкачилар (рангли ва қора металлар) фрезерчи.

14—15 ёшдагилар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 1—2 йил.

Ўқиш даврида ўқувчилар давлат таъминотига ўтадилар (айрим мутахассисликни эгалловчи ўқувчиларга стипендия берилади)

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида ўқиш даври узилмаган меҳнат стажи ҳисобланади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак.

маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка 6 фотосурат (3 Х 4 ҳажмида), автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика

Ўқишлар 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Сельмашская кўчаси, 14 (4, 13 14 трамвай. 3. 8, 10, 16, 21. 48 автобусларнинг «Ташсельмаш» бекати). Телефонлар: Е-6-20-81, Е-6-84-44.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 57-СОН ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1968/69 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди:

металлар бўйича, токарлар, саноат маҳсулотларини йиғувчи слесарлар, фрезерчилар, саноат ускуналарини тузатувчи механиклар, электромонтёрлар, дурадгор-мебелчилар.

Ўқув юртига 8—10 синфларни тамом қилган ёши 15—17 га кирган йигитлар ва 15—20 ёшга кирган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 1—2 йил.

Ўқиш даврида бепул кийим-бош ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъмин этиладилар.

Ўқиш муддати узлуксиз ишлаб чиқариш стажига киради.

Ўқув юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Высоковольтный массиви, III сектор (автобус № 19 ва № 41, «Высоковольтный бекати», 4 автобус «Морозов кўчаси» бекати, 13 трамвай «Кооператив» бекати» (Маиший хизмат уйи).

«Главташкентстрой» 5-қурилиш трестининг

«29-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ»га

ғишт терувчилар, дурадгорлар, арматурачилар, бетончилар.

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай ва аккорд наряди бўйича ишбай-мукофот тариқасида тўланади. Касби бўлмаганлар ўқув комбинатига ўқишга юбориладилар ва малака оширишлари учун шароит яратиб берилади.

Ўқиш муддати — уч ой.

Ёлғиз кишилар яхши жиҳозланган ётоқхона билан, оилалилар бир йил ичида уй билан таъминланадилар.

Қурилиш поездига ишга кирганлар навбатсиз уй билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Пионерский кўчаси, 4 «а» уй (3, 6, 23, 24, 26, 54, 59 автобусларнинг. 2, 9, 11 троллейбусларнинг. 9, 11, 15 трамвайларнинг «Пионерский» тўхташ жойи).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ҚАЙРОҚҚУМ ГИЛАМ КОМБИНАТИГА

йигирувчилар, ўровчилар, тароқчилар, бўёқчилар, тўқувчилар, уста ёрдамчилари, токарлар, тунукачилар, темирчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар;

шунингдек: **жун йигирув, жун тўқиш бўйича инженерлар; химик технологлар, механиклар, иқтисодчилар**

КЕРАК

Касби бўлмаган хотин-қизлар юқоридаги касбларга ўргатилади.

Комбинат қошидаги кечки тўқимачилик техникуми

Гилам тўқиш, йигирув бўйича техник-технологлар, техник-механиклар, техник электрик. касблари бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Комбинатда клуб, стадион, чўмилиш учун ҳовузлар бор.

Иш ҳақи енгил саноати тариф квалификацияси справочниги бўйича тўланади.

Якка қолдаги хотин-қизлар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тожикистон ССР. Қайроққум шаҳар, Гиламчилар кўчаси. 1-уй.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 3-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, бетончилар, арматурачилар, ҳамда юкчилар ва ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Бошқа шаҳардан келиб ишга кирганлар ётоқхона билан таъминланадилар, уларнинг оилаларига ётоқхона берилмайди.

Қурилиш поезди ишчилари навбатсиз уй билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жарқўрғон кўчаси, 7 уй, кадрлар бўлими (7, 12 автобусларнинг «Жарқўрғон», 26 автобуснинг «Касалхона» тўхташ жойлари). Телефон № А-1-26-46.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» 153-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

сувоқчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгорлар, бетончи-монтажчилар, арматурачилар, ёрдамчи ишчилар, электр-газ пайвандчилари, электромонтёрлар, мотористлар (аёллар), **слесарлар бухгалтерлар, қурилиш усталари**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 3-квартал, 25 уй, кадрлар бўлими (3, 14, 26, 27, 54 автобусларнинг, 7, 9 троллейбусларнинг «153-Қурилиш тресті», 9, 11, 15 трамвайларнинг «Чилонзор кўчаси» бекатлари).

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССРда ҳавонинг бироз булутли бўлиши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Республиканинг қолган областларида ҳаво очиқ келади, 33—38, жанубда 41 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво очиқ келади, кечаси 19—21, кундузи 36—38 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216, Халқаро ҳаёт — В37604, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 3—08, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б № — 168. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02632.